




**O`zbekiston Respublikasi**  
**Oliy va O`rta Maxsus Ta`lim Vazirligi**  
**Buxoro Davlat universiteti**  
**Ijtimoiy-iqtisodiy fakulteti**



***Yusupova Manzura Uktamovna.***

**Mavzu: “TURKIYADAGI O`ZBEKLAR TARIXI VA  
ETNOGRAFIYASI”**

**MAGISTR AKADEMIK DARAJASINI OLIH UCHUN YOZILGAN  
DISSERTATSIYA**

Ilmiy rahbar: \_\_\_\_\_

professor : Hayitov Sh.A

Himoya sanasi:

D.A.K.ning bahosi

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2015 – yil

\_\_\_\_\_

D.A.K.ning xulosasi \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**Buxoro – 2015.**

## **Annotation of dissertation for MA**

**Key words:** Sultanate of Osmanids, sultan, archive of sultanate, takya, Nakshbandiya, Sufism, Turkistan, Turkistanian, Uzbek, immigrant Uzbek, Istanbul, Adana, Izmir, “Yeni Turkiston”, “Yosh Turkiston”, “Turkistonyordamlashmajamiyati”, Shukurovo, Hoji, trade, shop, legionary, student, student from Turkistan, educated, professor.

**Objects of research:** History and ethnography of Uzbeks in Turkey. The spread stage of Uzbeks in Turkey, their organizations and collections, mass media organs.

**The aim of research:** to analyse the historical roots, stages, causes and reasons of Uzbek immigrants’ moving to Turkey. To show ethno-social process of Uzbeks in Turkey and to open the problems of Turkey – Uzbekistan relationship.

**The method of research:** Historical features, objectivity, neutrality, current development, chronology, method of analysis and synthesis are researched in the work. Researches and methodological approaches spent in the years of independence of Uzbekistan were also taken as a base of research.

**The obtained results and their novelty:** the problems of history and ethnography of Uzbeks in Turkey are in the center of the research. The history of Uzbekistan – Turkey relationship studied in the research is also a novelty of our scientific work.

**Practical value of research:** Materials and information collected during research can form and widen the understandings about life, history and ethnography of Uzbeks living in Turkey. The scientific

work can be valuable in the solution of problematic cases and Uzbeks' place in society in the relationship between Uzbekistan and Turkey.

**Degree of embed and economic effectiveness:** three scientific articles had been published on the research. Approbation of research work was held in the Faculty of History of Bukhara State University; effectiveness was tested during the lectures and seminar classes in the Bank college of Bukhara city. Several reports on research were done in Republic and university scientific-theoretical conferences. The thesis was effectively used in spiritual educational affairs, lessons of spirituality in Bukhara Bank college in 2013 - 2014; 2014 – 2015 academic years.

**Field of application:** Materials of dissertation can be used in making researches on such disciplines as History of Uzbekistan, lectures on ethnography, history of international relationships. And also the work can be a useful source for upbringing a generation devoted to national ideology principles.

Scientific supervisor: Hayitov Shodmon Ahmadovich, PhD, professor

MA applicant: Yusupova Manzura Uktamovna.

## Кириш

### **Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги.**

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликка эришгандан сўнг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, маданий – маърифий, илмий – техникавий соҳаларда ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Бугунги кунга келиб эса ўзаро муносабатлар ва халқаро алоқаларда бой тажриба тўпланди. Истиқлол йилларида тарих соҳасида қўлга киритилган ютуқларни умумлаштириш, халқимизни тарихий билимлар билан қуроллантириш давр талабидир. Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди<sup>1</sup> – деган эдилар Президентимиз.

Мустақилликнинг иккинчи йилидаёқ (1992 йй) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Ўзбек диаспораси” вакилларига мурожат қилиб: “Армонлар доғи ювиладиган, яраланган кўнгиллар жароҳати малҳам топадиган замонлар келди. Энди сиз – тақдир тақозоси билан хорижда яшаётган ватандошларимиз билан алоқаларимизни кенг ривожлантиришга ҳамма имкониятлар яратилмоқда. Энди сизлар учун ватанимизнинг барча эшиклари очик бўлади”<sup>2</sup> – деган тарихий фикрларни билдиргандилар.

Мен танлаган магистрлик диссертациямнинг долзарблиги юқоридаги фикрлардан келиб чиқади. Тадқиқотнинг Туркиядаги ўзбеклар тарихи ва этнографияси масаласининг комплекс ҳолда ўрганилаётганлиги ҳам тадқиқот долзарблигидан далолат бериб турибди.

Диссертацияда айнан Туркия ўзбеклари масаласини ўрганишга эътибор қаратилиши яна бир қатор омиллар билан боғлиқ.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.; Шарқ; 1998. – Б. 9.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. – Т.; Ўзбекистон; 1992. – Б.16.

Биринчидан, Туркия ўзбек муҳожирлиги тарихи узоқ асрларга бориб тақаладиган давлатдир.

Иккинчидан, Туркия Республикасида ўзбеклар Ғарб ва Шарқ дунёсидаги бошқа мамлакатларга нисбатан зич ҳамда кўп сонли бўлиб истиқомат қиладилар.

Учинчидан, Туркияда ўзбек диаспораси шаклланиш жараёнлари ўзига хос ва кўп тарихий босқичларда кечган.

Тўртинчидан, Туркия ўзбекларининг этно – социал қиёфасидаги ўзгаришлар Шарқ ва Европадаги трансформацион жараёнлар билан узвий боғлиқ. Юқоридаги омиллар туфайли мен танлаган диссертация мавзусининг долзарблиги ва давр талаблиги яққол намоён бўлади.

**Диссертациянинг мақсад ва вазифалари:** Мазкур магистрлик диссертация ишида Туркия ўзбеклари тарихи ва этнографиясининг миллий истиқлол мафкураси асосида яхлит тарзда ўрганиш мақсад қилиб қўйилди. Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, диссертант ўз олдига қуйидаги аниқ вазифаларни белгилаб олди.

- Туркия (Усманийлар салтанати) ҳудудларига ўзбек халқи вакиллари кўчиб ўтишидаги тарихий босқичларни тавсифлаш

- Туркия ўзбекларининг аҳоли марказлари бўйлаб жойлашуви, улар ижтимоий таркиби, машғулотлари ва сони билан боғлиқ масалаларда фикр мулоҳаза билдириш

- Туркия ўзбекларининг урф – одатлари, тўй, таъзия маросимлари, оила тутиши, уларда кечган этно – социал жараёнлар, ўзига хослик ва трансформацион жараёнлар динамикасини кўрсатиш

- Туркия ўзбеклари ижтимоий – маданий ҳаётида, ўзликни сақлаб қалишларида текке (таъя) лар ролини кўрсатиш

- Ушбу мамлакатда ўзбек (туркистонлик) лар чоп эттирган матбуот органлари ҳақида илмий маълумот бериш

- Туркия ўзбекларининг миллий уюшма ва ташкилотлари, улар фаолияти йўналишларини имкон қадар очиб бериш

- Туркиялик зиёлиларнинг маданий – маърифий фаолиятини айрим шахслар мисоли орқали очиб бериш

- Тадқиқот сўнггида Туркия ўзбеклари тарихи ва этнографиясини истиқболда ўрганишга хизмат қиладиган тавсиялар ишлаб чиқиш

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:** Тадқиқ қилинаётган мавзу юзасидан эълон қилинган ишларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Ўзбекистонда чоп этилган мақола ва китоблар
2. Хорижда нашр этилган ишлар
3. Интернет маълумотлари.

Истиқлол арафасида ва мустақиллик йилларида муҳожир ўзбеклар тарихига қизиқиш кучайди. Ўзбек миллати вакилларининг хорижга чиқиб кетиш сабаблари, муҳожирлик омиллари ва тарихий босқичлари ҳақида Республика даврий матбуотида мақолалар босила бошланди. Бу борада журналистлар етакчилик қилганлиги яққол кўзга ташланади. Туркия Республикасидаги ўзбеклар ҳақида маълумот берувчи илк даврий матбуот мақолалари Тўра Мирзо, Тохир Қаҳҳор, Абдул Малик, Азим Суюн, Б. Аҳмедав, А. Иброҳимов, Н. Наимов<sup>3</sup>, Ғ. Жўраев кабилар томонидан чоп этилди. Ушбу мақолаларда турли тарихий босқичларда Туркия Республикаси шаҳар ва қишлоқларига бориб қолган ўзбеклар, улар сони, машғулотлари, ижтимоий таркиби ва аҳволи ҳақида илк маълумотлар берилди.

---

<sup>3</sup>Тўра Мирзо. Туркия ва Туркистон йўлларида// Ёшлик. 1989. № 7.–Б. 44– 45 .

Тохир Қаҳҳор.Туркия ҳур турклар учун // Ўзбекистон адабиёти ва санъати;1991й 1 ноябрь; шу муаллиф.Туркия ўзбеклари//Ёшлик.1992;№ 3.–Б 30–33.  
Абдулмалик. Раҳмонқулихон тақдири// Ёш ленинчи; 1991, 6 март; Азим Суюн. Ажунда сочилиб ёётибмиз // Халқ сўзи; 1991, 25 январь; Аҳмедов Б. Ўзбеклар // Мулоқот; 1991.-№ 1. – Б. 53 – 56; Иброҳимов А. Тошкентнинг бир япроғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати; 1993, 28 май; Жўраев Ғ. Чинникоса синиғи // Халқ сўзи; 1991, 5 февраль

Ушбу мақолалар ўзбекларни хориждаги миллатдошлари ҳаётидан воқиф қилишда муҳим ўрин тутди. Бироқ ушбу мақолалар илмий асосланганди, уларда муаллифларнинг Туркиядаги ўзбеклар билан ўзаро мулоқот таассуротлари етакчилик қиларди. 1990 йилларда муҳожир ўзбеклар ҳақида илмий, илмий – оммабоп асар ва мақолалар яратишга киришилганлигини ҳам қайд қилиш мумкин. Бундай китоб ва мақолалар Д. Брауэр, Ш. Турдиев, Тохир Қаҳҳор, Ш. Ҳайитов, Р. Шамсутдинов<sup>4</sup> кабиларнинг мақола ва китобларида ўзбек муҳорижлиги сабаблари илмий адабиётлар, архив ҳужжатлари ҳамда хорижий манбалар қиёсий таҳлилида ўрганилишга ҳаракат қилинади. Айниқса, Тохир Қаҳҳор Туркиядаги ўзбеклар ва уларнинг турли йилларда чоп этилган матбуот органлари тўғрисида батафсил фикр юритади. Ш. Ҳайитовнинг “Хориждаги ўзбеклар” монографиясида ўзбек муҳожирлиги тарихи илк бор яхлит тарзда илмий жиҳатдан ўрганилиши бошлаб берилди.

XX аср охири – XXI аср дастлабки ўн йиллигида муҳожир ўзбеклар тарихига оид илмий ишлар эълон қилиниши давом эттирилди. Туркиядаги ўзбеклар мавзуси тадқиқотлар тизимида қисман бўлсада ёритилганлигини эътироф этиш керак. Бу борада И. Баҳромов, М. Абдурахмонов, М. Хўжаев, Ш. Ҳайитов<sup>5</sup> кабиларнинг ишларини санаб ўтиш мумкин.

---

<sup>4</sup>Брауэр Д. Маккага йўл // Турон тарихи, 1993 йил май – Б. 30 – 32. Турдиев Ш. Улар Германияга ўқиган эдилар...Т.Фан;1991.–70 бет; Тохир Қаҳҳор. Туркия хур турклар учун // Ҳалқ сўзи, 1993, 15 май;

Шу муаллиф. Хур Туркистон учун.–Т.Чўлпон;1994.–112 бет; Ҳайитов Ш. Ва бошқ. Хориждаги ўзбеклар.–Т.Фан; 1992.–107 бет; Шамсутдинов Р. Усмон Хўжа ватан хоини эмасди // Ҳалқ сўзи; 1991,15 ноябрь.Шамсутдинов Р. Қодиров А. Шермуҳам-мадбек ҳаётига чизгилар // Фан ва турмуш. 1998.- № 2.–Б.14–15.- № 3. –Б. 18 – 19.

<sup>5</sup>Баҳромов И. Шўроларнинг Туркистондаги сиёсати ватандошларимиз талқинида // Маҳорат кўзгуси; 2004. - № 3 – 4.Б. 34 – 38; Абдурахмонов М. Валиди Тўғон – Туркистон тарихи тадқиқотчиси // Ёшлик. 2001. - № 1. – Б. 44 – 45. Хўжаев М. Шермуҳаммадбек кўрбоши. – Т. Шарқ; 2008. – 199 бет. Ҳайитов Ш. Усмонхўжа Пўлатхўжаев – миллий истиқлол курашчиси. – Бухоро. – 2007. – 56 бет; шу муаллиф. Ўзбек муҳожирлиги. – Т. ABU MATBUOT KONSALT; 2008. – 211 бет

Мустақиллик йилларида Туркиядаги ўзбеклар тарихи ва этнографиясига оид бевосита ушбу мамлакатда муҳожир бўлиб яшаган ўзбекларнинг мақола ва китоблари чоп этилганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли бўларди. Уларнинг китоб ва мақолалари шахсий таассурот ҳамда хотиралар асосида ёзилган. Жумладан, Собир Сайхонли, Иброҳим Ёрқин, Шаҳобиддин Яссавий, Аҳмад Заки Валидий Тўғон<sup>6</sup> кабиларнинг манбавий аҳамиятга молик хотиралари тадқиқотимизни материаллар билан бойитди.

Шунингдек, магистрлик диссертацияси мазмунини янги материаллар билан бойитишда Ўзбекистонда истиқлол йилларида ёзилган, муҳожирлик масалаларини ҳам қисман қамраб олган олимларнинг ишларидан ҳам фойдаланилди. Шундай тадқиқотлар сирасига Ф. Эргашев,

Ф. Исҳоқов, Н. Наимов, К. Орипова, М.Зоҳидий, В.А. Германов, С. Холбоев, С. Шодмонова<sup>7</sup> кабиларнинг ишларини киритиш мумкин. Улар биз ўрганаётган масаланинг айрим қирраларига эътибор қаратилади.

Ортада қолган йилларда ўзбек муҳожирлиги тарихи ҳақида номзодлик, докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Ушбу диссертацияларда Туркия муҳожирлиги масаласи алоҳида ўрганилмасада,

---

<sup>6</sup>Собир Сайхонли. Адашганлар.–Т.Чўлпон;1996.–271 бет; Иброҳим Ёрқин. Хотиралар //Шарқ юлдузи; 1993.-№ 3.–144–158 бетлар, Шаҳобиддин Яссавий. Ёшлар дунёни кўришсин // Ёшлик, 1992. - № 7 – 8. – Б. 33 – 35. Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. – Т. 2001. - №1.– 280 бет.

<sup>7</sup>Эргашев Ф.Янги Туркиянинг отаси // Жаҳон адабиёти; 1918. - №8. – Б. 155 – 159; Исҳоқов Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867–1917 йй) – Т. Фан, 1991.–201 стр. Наимов Н. Амирнинг авлодлари // Шарқ юлдузи; 1992.-№ 3.– Б. 167 – 184; К.Орипова. Муҳожир тушунчаси // Ҳаёт ва қонун;2003.-№4.– Б.52–53. Зоҳидий М. Мустафо Камол Отатурк // Фан ва турмуш;- 2000.-№1.– Б.10–12. Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси. – Т. Фан, 2008.–181–бет .

бу мамлакат ўзбеклари тарихи ва этнографияси масаласига тегишли маълумотлар мавжуд. Бу йўналишда Г. А. Агзамованинг номзодлик ва

Ш. Ҳайитовнинг докторлик диссертацияси<sup>8</sup>ни кўрсатиш мумкин. Ушбу диссертациялар ва улар авторефератларидан ҳам фойдаланилди.

Магистрлик диссертацияси мазмунини материаллар билан тўлдиришда хорижлик олимлардан Шаҳобиддин Яссавий, Ҳусайн Икромхон, Аҳат Андижон, Чоғатай Кўчар<sup>9</sup> асарларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотимизда интернетмаълумотлари<sup>10</sup> ҳам илмий муомалага киритилди. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Туркиядаги ўзбеклар тарихи ва этнографияси яхлит тадқиқот мавзуси бўлган эмас. Бу эса ушбу мавзунини магистрлик иши сифатида тадқиқ қилиш заруратини туғдиради.

**Диссертациянинг илмий – назарий янгилиги:** Ушбу магистрлик диссертациясида илк бор Туркиядаги ўзбеклар тарихи ва этнографияси муаммоси яхлит ҳолда ўрганилаётганлиги ишнинг илмий – назарий янгилиги ҳисобланади. Шунингдек, Туркияга ўзбеклар бориб қолишининг тарихий босқичларга бўлинганлиги, ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилганлиги, муҳожирлик омиллари таҳлили қабила ҳам тадқиқотда ўрганилди. Туркия ўзбекларининг ушбу мамлакат бўйлаб тарқалиши, ижтимоий таркиби, сони, машғулотлари ҳақида ҳам манбалар асосида фикр юритилди. Туркияда ўзбеклар маданий, иқтисодий, илмий – маърифий ҳаётда иштирок қилганликлари, бу мамлакатдаги ўзбек зиёлилари ҳақида алоҳида фикр юритилганлиги ишнинг янгилигини

---

<sup>8</sup>Агзамова Г.А. Узбеки за рубежом: социально – политические и правовые проблемы. Автореф. дисс.... канд.. философ. Нац. – Т : 1996. – 29 стр. Ҳайитов.Ш.А. История узбекской эмиграции XX века. Автореф. дисс...докт. ист. нац. – Т. : 2009. – 50 стр.

<sup>9</sup>Шаҳобиддин Яссавий. Туркистон аччиқхақиқатлари (араб имлосида). Истанбул; 1984. – 199 бет; Ҳусайн Икромхон. Бир Туркистонликнинг иккинчи дунё уруши саваши хотиралари(турк тилида). – Ведир. Истанбул, 1999. – 246 бет.

<sup>10</sup>Интернет маълумотлари: [www.e. tarix. Uz](http://www.e.tarix.Uz) ; [www. 12. uz](http://www.12.uz) ; [http:// www. trt. netotr /](http://www.trt.netotr/).

ташкил қилади. Ўзбекларнинг миллийлик даражасини сақлаб қолиши, миллатдошларимизда кечган трансформацион жараёнларнинг манбалар асосида очиб берилганлиги ҳам тадқиқотимизнинг илмий – назарий янгилиги ҳисобланади.

### **Диссертациянинг назарий - методологик асоси:**

Диссертация-нинг назарий – методологик асосини аввало Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асар ва нутқлари, уларда тарихни маҳаллий манбалар асосида объектив очиб беришга қаратилган фикрлари ташкил этди. Ишни ёзишда миллий истиқлол мафкураси тамойилларидан келиб чиқиб иш кўрилди. Тадқиқотлаор олиб боришнинг тарихийлик, ҳолисоналик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, снєгритик усулларида фойдаланилди.

**Диссертациянинг илмий – амалий аҳамияти:** Диссертация тўрт асрлик тарихга эга бўлган туркия ўзбеклари тарихи ва этнографиясини яхлит ҳолда ўрганилиши билан илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Тадқиқотда келтирилган маълумотлардан, далил ва рақамлардан Ўзбекистон тарихи ва Жаҳон тарихидан ўқув қўлланма, хрестоматия, дарслик ва методик кўрсатмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация материаллари ёшларда миллий ўзликни англашда, улар онгига миллий истиқлол мафкурасини сингдиришда маънавий-маърифий тадбирларда фойдали бўлади.

**Тадқиқотнинг жорийланиши:** Мазкур диссертация мавзуси юзасидан муаллиф томонидан учта илмий мақола ва тезислар чоп эттирилган. Ўзлон қилинган ишларда тадқиқот мазмунини асосан қамраб олинган. Бухоро давлат университетида ўтказиладиган анъанавий илмий – назарий анжуманларда 2014 ва 2015 – йилларда маърузалар қилиниб ишимиз ҳақида илмий ахборот берилган. Диссертация маълумотлари тасосида Бухоро Банк коллежида ўндан ортиқ маънавий – маърифий тадбирлар ўтказилган. Шунингдек, диссертация материаллари вилоятнинг бир қатор муассаса ва ташкилотларда тарғиб қилинган.

## **Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:**

Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар ҳамда илова қисмларидан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми бетни ташкил этади.

## **I Боб. Туркияга ўзбеклар кўчиб ўтишидаги тарихий босқичлар ва ўзбек диаспорасининг шаклланиши.**

### **I.1. Туркияга ўзбеклар кўчиб ўтишининг тарихий босқичлари.**

Туркия ўзбек миллати вакиллари нисбатан кўп сонли бўлиб яшаётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Кичик Осиёга ўзбекларнинг бориб қолиш тарихи XI асрда туркий қабилаларнинг кўчиши ва бу ҳудудга бориб жойлашиб қолиши билан боғлиқ деб ҳисоблайди, бир қатор тадқиқотчилар. Ўрта Осиё ёзма манбаларида XVI асрдан бошлаб “ўзбек” ва “тожик” атамаларининг қўлланилиши туфайли ўзбек халқи вакиллари бу заминга кўчиши юз берганлигини ушбу хронологик чегара деб, ҳисобловчилар ҳам мавжуд.

Туркияга ўзбеклар кўчиши (миграцияси) жараёнларини тахминан қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

- Хонликлар даврида, яъни XVI – XIX асрларда Усманийлар салтанати шаҳарларига бориб қолган ўзбеклар. Улар савдо – сотиқ, ҳаж зиёрати, ижтимоий тўқнашувлар ва халқ қўзғолонлари каби омиллар туфайли ўз асл Ватанларидан узоқлашган кишилардир. Бундайларнинг қароргоҳи Туркиянинг Истанбул, Измир, Шукурово, Адана каби шаҳарларида қурилган текке (такя)<sup>11</sup>лар (мусофирхоналар) бўлган.

---

<sup>11</sup> Chagatay Ko'char Atayuran Anayurta Turkistanlilar. Adana. 2009. S. 169 – 177 .

Такаялар ўзбек муҳожирларининг моддий, ижтимоий, маданий – диний ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

- Россия империяси Туркистон ўлкасини истило қилганидан сўнгги даврда ва биринчи жаҳон уруши йилларида Туркияга кўчиб ўтган ўзбеклар иккинчи гуруҳга киради. Бу ўзбеклар оз сонли бўлсада, кейинчалик 1918 – 1922 йиллар<sup>12</sup>да, яъни Туркия мустақиллиги учун бўлган курашларда муҳим роль ўйнадилар. Шукурово шаҳрини озод қилишда 28 нафар ўзбек миллати вакиллари Ҳожи Йўлдош бошчилигида инглиз – юнон қўшинларига қарши қаҳрамонона курашганлиги тарих солномасидан ўрин олган. Улар биринчи жаҳон урушидан олдин Туркистондан Арабистонга диний илм олиш учун борган, ортга қайтиб, Туркия шаҳарларида жойлашиб қолган эдилар.

- Ўзбекларнинг Туркияга келиб жойлашувидаги учинчи босқич: 1920 – 1930 йилларга тўғри келади. Ушбу босқичда Туркистон АССР, БХСР, ХХСР каби ҳукуматлардаги миллий кураш туфайли мағлубиятга учраган кучлар, 1920 йилларда Германия ва Туркияга истиқболни ўйлаб, ўқиш учун юборилиб, Ватанга қайтмаганлар бўлиб, бундайлар Туркияни абадул абад ўз Ватанларига айлантирдилар. Улар орасида БХСР ҳукуматида молия нозири, ижроия қўмита раиси лавозимларида ишлаган, Афғонистон орқали Туркияга келган Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1878 – 1968 йй) Туркистон халқлари ҳаётида муҳим роль ўйнаган Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890 – 1970 йй) собиқ “бухоролик талабалар” дан (Германия), профессорлар: Аҳмаджон Иброҳимов, Аҳмад Наим, Нусратиллобек, Тоҳир Чигатой, Междиддин Делил, Солиҳ Эркинқўл кабилар бор эди. Улар Туркиянинг турли олий ўқув юртларида фаолият кўрсатиб, геология, менерология, иқтисодиёт, ижтимоий – гуманитар фанлар соҳасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ҳатто, Тоҳир Чигатой

---

<sup>12</sup> Содиқов Ҳ. Тарихнинг чигал сўқмоқлари. И “Ватан” газетаси. 1994 № 28.

Туркия республикаси қишлоқ хўжалик вазирлигида ишлаб, “Кивиржак” номли кўчқор турини яратди.

Аҳмад Закий Валидий Тўғон (бошқир) Истанбул университетида фаолият юритиб, 400 дан ортиқ асар ва мақолалар чоп эттирди. Унинг Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврига таалукли 30 та китоби нашр юзини кўрди. Тўғон Валидов Чигатой Тўғон ва Есенбека Тўғон сингари бир ўғил ва икки қиз фарзандларни тарбиялаб, уларни профессор даражасига эришувига маънавий ва моддий мададкор бўлди.

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев Туркияда ношир, матбаачи, шоир, сиёсатчи сифатида танилиб, “Янги Туркистон” (“Йени Туркистан”, 1927 – 1931 йилларда чоп этилган) журналини чиқарди. “Туркистон” рисоласини ёзди, озодлик ва ҳурликни тараннум этувчи шеърлар ижод этди<sup>13</sup>.

- Ўзбекларнинг тўртинчи гуруҳига иккинчи жаҳон уруши туфайли немис – фашистларига асир тушган, кейинчалик “Туркистон легиони” да ва ишчи баталионларида хизмат қилган собиқ легионерларни Туркияга кўчиб ўтишга тўғри келган муҳожирлар киради.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ўзбекистонга қайтиш йўли беркилган, совет маъмурий идоралари томонидан пешанасига “Ватан хоини”, “сотқин” каби тамғалар босилган собиқ асирлар Туркиянинг Измир, Измет, Мугла, Истанбул, Адана, Кўня каби бир қатор шаҳарларига кўчиб ўтдилар<sup>14</sup>. Улар Туркияда турли касбларни эгаллаб, оила қуриб абадул – абад яшаб қолдилар.

- 1950 йилларда, яъни умуман Исмат Иненю Туркия Республикаси президенти бўлиб турган даврда (1938 – 1950 йй) муҳожир Туркистонликларга муносабат Мустафо Камол Отатурк (1923 – 1938 йй) президентлиги давридек илиқ бўлмади. Шу сабабли Шарқ ва Ғарб

---

<sup>13</sup> Тохир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т. Чўлпон; 1994.- Б. 24-31.

<sup>14</sup> Чигатой Кўчар. Ўша асар.- Б. 32.

давлатларидаги ўзбек жамоаларига Туркияга кўчиб ўтиш йўли ёпилгандек эди. Мустафо Камол “Биз ҳам Туркистоннинг жужуқларимиз (болаларимиз)” –деган ақидасидан келиб чиқиб, Туркистонлик (ўзбек)ларга Туркия эшикларини очиб қўйганди. Бироқ, у ҳамТуркиядаги барча миллат вакилларига туркча фамилия олишни мажбурийлигини конунлаштирди. Г.Бояр президентлиги даврида (1950 – 1957 йиллар) Туркистонликлар учун Туркияга кўчиб ўтиш йўллари очилди. Туркия Республикаси туркистонликларга ер, молк – мулк берган, 5 йил муддатда ҳар қандай солиқлардан дархон қилиш каби имтиёзларни эълон қилди.

- Ўзбекларнинг Туркия Республикасига кўчиб ўтишидаги бешинчи босқич, 1950 йилларнинг бошларига тўғри келади.

1952 – 1954 йилларда Афғонистондан Покистон орқали Туркия шаҳар ва қишлоқларига 90 оила ўзбеклар кўчиб ўтдилар. Улар икки гуруҳга бўлинган бўлиб, “искон ўзбеклар”(яъни моддий ёрдамга муҳтожлар) ва “сарбаст ўзбеклар”(бадавлат ўзбеклар)дан иборат эди. Туркия ҳукумати “искон ўзбеклар”га ер – мулк берди, уй – жой қуришда, ўз хўжаликларини йўлга солишларида имтиёзли кредитлар ажратди.

- Ўзбекларнинг Туркия Республикасига кўчиб ўтишидаги олтинчи босқич: 1980 йилларга тўғри келади. Чекланган совет қўшинларининг Афғонистонга киритилиши (1979 йил декабрь) оқибатида бу мамлакат адоқсиз урушлар, миллий – этник можаролар гирдобига тортилди. Тинчлиги бузилган, хўжалиги издан чиққан кўплаб ўзбек оилалари Европа, Америка мамлакатлТинчлиги бузилган, хўжалиги издан чиққан кўплаб ўзбек оилалари Европа, Америка мамлакатларига, албатта катта қисми Туркия Республикасининг ҳудудларига кўчиб ўтдилар.

- Истиқлол йилларида турли сабабларга кўра Туркия Республикасига кўчиб ўтган ва муҳожир ўзбек сифатида ҳозирда бу мамлакатда яшаётганлар ҳам бор. Бу эса алоҳида мустақил тадқиқот мавзусидир.

Хулоса қилиб айтганда, Туркия Республикасидаги ўзбек муҳожирлиги тарихи тўрт асрлик даврни (XVI – XX асрлар) ўзида мужассамлаштириб, миллатдошларимиз асосан юқорида қайд қилинган тарихий – хронологик босқичларда бу мамлакат ҳудудлари бўйлаб тарқалдилар. Туркияда ўзбек диаспорасининг шаклланиши узок ўтмишга эга бўлиши билан бирга, ўзига хос хусусиятга ҳам эгадир. Аввало, Туркия табиати, аҳолисининг миллий урф – одатлари, тили кабилар бу халқ ўзбек халқи билан ягона тарихий илдизга эга эканлиги омилини назардан четда қолдирмаслик керак.

## **I. 2. Туркиядаги ўзбек теке (такя) лари. Миллий ўзликни сақлаш марказлари.**

Ўрта аср анъаналарини сақлаб қолган Усманийлар салтанати XVII – XVIII асрларда ҳам Европа, Осиё, Африка қитъаларида ўнлаб давлатларни ўзида бирлаштирган эди. Арабистон ярим ороли (Ҳижоз, Макка, Мадина) ҳам Усманий султонлар измида бўлиб, Ўрта Осиё хонликларидан Макка ва Мадина ҳажи зиёратига чиққанлар салтанат пойтахти Истанбул орқали ўтиб қайтардилар<sup>15</sup>. Улар халифа издоши ҳисобланган турк султонидан рухсат олиб, унинг паноҳида ҳаж арконларини бажарганлар. Истанбулгача етиб келган зиёратчилар, шайх ва уламолар, уларнинг шогирдлари бир неча кун ётиб қоладиган бино – текке (такя) деб аталиб, унинг луғавий маъноси – дарвиш ва мусофирлар ибодатхонасини ифодалайди. Теккеларда кейинчалик Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318 - 1389) сулукига кирган шайхлар, уларнинг муридлари, хонлар таъқибидан қочиб келиб, муқим яшаб қолганлар.

Муҳожир ўзбекларнинг асосий яшаш жойи бўлган теккеларда айрим оилалар ўрнашган ва кейинчалик уй – жой қилиб кўчиб чиқиб

---

<sup>15</sup> Қосимов Б. Икки қитъани туташтирувчи мамлакатда // Халқ сўзи. 1993, 15 апрель.

кетаверганлар. Ўзбеклар (Бухорликлар) теккеси биргина Истанбул шаҳрида 8 та бўлиб, улардан фақат учтасининг ўрнашган жойи маълум<sup>16</sup>.

Энг олдин қад кўтарган текке – Истанбул шаҳрининг Ускудор районидаги Султонтепа тепалигида жойлашган уч қаватли бинодир. Бу текке Истанбул шаҳрининг Осиё қисмида жойлашган. Иккинчи текке Истанбул шаҳрининг Европа қисмидаги Сўқили Меҳмет пошшо кўчасида жойлашган бўлиб, машҳур Султон Аҳмет ( Яшил мачит ) дан 200 метр узоқликда

жойлашган. Учинчи текке эса, Аюб тарихи мачити яқинида бўлиб, ундан фақат бошланғич мактаб биноси сақланган. 1970 йилларда теккенинг асосий биноси ўрнида Аюб мачити диний ишларининг бошқармаси комплекси қурилган.

Истанбулдаги ўзбек теккелари турли – туман вазифаларни бажарган. Жумладан, Ўрта Осиё хонликларининг ваколатхонаси, ўзбеклар меросини сақлаш жойи, агар мол – мулклар эгаси бўлмаса, мерос текке мулкига ўтказилган теккеларда бошпанасиз одамлар тунаган, маълум муддат яшаган, бундайларга озиқ – овқат берилган. Ўзбек мусофирлари тўпланиб ўзбекона палов (ош) тайёрлашган, миллий тилда диний кўшиқлар айтишган. Масалан, Ускудор районидаги текке 1752 – 1753 йилларда қад кўтарган бўлиб, дастлаб Султон Меҳмет I ва унинг вазири томонидан қурилган текке Баҳоуддин Нақшбанд ордени шайхлари бошпанаси бўлган. Бу теккедаги барча ўзбеклар асли Бухородан бўлишган<sup>17</sup>. Теккени сақлаб туриш учун давлат томонидан ёғ, гурунч ва бошқа озиқ – овқатлар берилган. Шунингдек, Нақшбандийлик таълимоти тарғиботчиларига маош ҳам берилган. Шайхлар таклифи билан бу текке бир неча бор давлат томонидан таъмирланган. Туркистон генерал – губернаторлиги (1867 – 1917 йй) даврида минтақада кўзғолонлар

---

<sup>16</sup> Тоҳир Қаҳҳор. Ҳур Туркистон учун. Тошкент. “Чўлпон”. 1994 йил, 19 бет.

<sup>17</sup> Тоҳир Қаҳҳор. Ҳур Туркистон учун. Тошкент. “Чўлпон”. 1994 йил, 19 бет.

бўлганида Туркия теккесидаги шайх ва уламолардан маънавий мадад олишган. Масалан, 1898 йилда Андижон (Дукчи эшон) кўзғолони вақтида Мадали эшонга турк султони ёрлиғи ва “мўйи муборакни”<sup>18</sup> аслида текке шайхи юборган эди.

Маълумки 1920 йилда Истанбулни инглизлар босиб олган, Туркия мустақиллиги хавф остида қолганди. Миллий озодлик ҳаракатига

Мустафо Камол Отатурк (1881 – 1938 йй) раҳбарлик қилиб, Ускудор туманидаги ўзбеклар теккеси ватанпарварлар тўпланиб, Онадўли ва Анқарага жўнатиладиган муҳим база бўлганди. Истанбул – Анқара алоқаларида муҳим кўприк бўлган теккеда қурол – яроғ, ўқ – дори омборлари ташкил этилганди. 1920 – 1922 йилларда ўзбеклар теккесидан катта партиядаги қурол – яроғлар, ўқ – дорилар билан ватанпарварлар кечқурун яширин йўлга чиқишган. Муҳожир ўзбеклардан бири теккелардан бошпана топган айрим ўзбеклар миллий озодлик учун курашларда бевосита иштирок этишганини ҳикоя қилиб берганди. Жумладан, Шукурова шахрини озод қилишда Ҳожи Йўлдош ва у билан 28 нафар ўзбек миллати вакиллари жанглarda иштирок этишган. Улар Ўрта Осиёдан Арабистонга иккинчи жаҳон уруши арафасида ўқишга кетиб, юртга қайтмай Туркия ерларида жойлашиб қолган эдилар. Англичанлар узоқ вақт Истанбулдаги теккелар Туркия озодчилиги учун курашларда қурол – яроғ омбори бўлганлигини аниқлай олишмаган.

Тарихнинг гувоҳлик беришича Султонаҳметдаги текке шайхи, фикҳшунос Ато Афанди 1920-йилларда Ўрта Осиёга саёҳат қилган, Анвар пошо (1881 – 1922 йй) билан учрашиб, унинг ҳарбийлари сафида

---

<sup>18</sup> Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи Эшон. Т: Шарқ; 1994.- Б. 60 – 63. Ҳайитов Ш.А. Собиров У. Б. 1898 йилдаги Андижон кўзғолони ва Туркистон муҳожирлиги.// Бухоро Давлат Университети Илмий ахбороти. 2006.-№2- Б.7-8

Қизил армияга қарши жанглarda қатнашган. Туркия Республикасига моддий ёрдам беришга қаратилган иона (маблағ) тўплаш компаниясини уюштирган ҳам Ато Афанди бўлганди.

Хуллас, ўзбек теккелари Усманийлар салтанатининг ижтимоий, сиёсий, диний, маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Истанбулдаги Усмонли идораси Бош архиви ҳужжатлари гувоҳлигича, Қўқон, Бухоро, Хива хонликларида XVIII – XX аср бошларида турк султони саройига ташриф буюрган элчилар теккеларда бўлиб, уларда истиқомат қилаётган шайх ва уламолардан тегишли маслаҳатлар олишган. 1867 йилда Россия империяси, Бухоро амирлиги билан Усманийлар салтанати ҳукмдори ўртасидаги келишувга мувофиқ усмоний подшоҳ текке шайхларидан Сулаймон Афандини вазиятни ўрганиш учун Ўрта Осиёга юборган.

Ускудордаги ўзбек теккеси сўнгги шайхининг ўғли Адҳам Ўзбек Кангўй қуйидагича фикрлар билдиради: “Теккенинг биринчи шайхи – Иброҳим Адҳам Афанди бўлиб, “мингта санъат эгаси” бўлган<sup>19</sup>. У тўқимачилик ва ёғочга ишлов беришда устаси фаранг бўлган, теккени ҳақиқий музейига айлантирган. Иккинчи шайх – Ато Афанди бўлиб, мени амаким ҳисобланади. Унинг даврида текке миллий озодлик ҳаракатининг марказига айланган. Бу даврда турк миллатининг машҳур вакиллари Аднан Одил, Меҳмет Акиф Эрсуй, Февзи пошо Чакмоқ кабилар англичанлардан яшириниб теккедан паноҳ топганлар. Охирги учинчи шайх эса менинг отам – Нажмиддин Афанди бўлиб, унинг даврида текке мусиқа марказига айланди. Мен отам ишини давом эттирдим”.

Ушбу текке майдонида 50 тача қабр бўлиб, бу мазорлар текке шайхларига тегишли бўлиб, БХСР ҳукумати раҳбарларидан Усмонхўжа<sup>20</sup>

---

<sup>19</sup> Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа Пўлат Хўжаев – миллий истиқлол курашчиси. Бухоро – 2007. – 30 бет.

<sup>20</sup> Ҳайитов Ш. Ражабов Қ. Усмон Хўжа – Т.АВУМАТВУОТ КОНСАЛТ; 2011; - 35 бет.

(1878 – 1968 йй) Истанбулдаги (қабри ҳам шу ерда) теккелар тақдири ҳақида фикр билдирар экан, 1925 йилда Туркия Республикаси президенти Мустафо Камол Отатурк барча теккелар фаолиятини таъқиқлашга фармон берди. Президент Туркия миллий озодлик ҳаракатида алоҳида ҳизмат кўрсатган. Ускудордаги текке фаолиятини давом эттиришини истисно тарзида фармонга имзо чекди. Ушбу текке ҳозир ҳам фаолият юритаяпти.

## **II Боб. Туркия ўзбеклари этнографияси.**

### **II. 1. Туркиядаги ўзбеклар этнографиясининг Ўзбекистон ўзбеклари билан қиёсий таҳлили: умумийлик ва ўзига хослик.**

Тарихнинг турли босқичларида Туркия Республикасига ўзбек халқи вакиллари бориб жойлашган. Ўзбек диаспорасининг бу мамлакатдаги шаклланиш жараёни узоқ тарихий даврни босиб ўтди.

Усманийлар салтанати билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги дипломатик савдо – сотиқ, маданий алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, XVII – XVIII асрларда Нақшбандий таълимотини қабул қилган шайх ва уламолар Истанбул орқали Макка ва Мадина ҳажи зиёратига бориб келганлар. Умуман турк султонлари араб халифаси издоши, меросхўри сифатида мусулмонларнинг ҳаж зиёратига ҳомийлик қилган. Жумладан, Туркистон минтақасидан йўлга чиққан зиёратчилар ҳам шу сабабли Усманийлар давлати пойтахти Истанбул шаҳри орқали ўтиб қайтишган.

Туркиядаги ўзбеклар билан Ўзбекистон ўзбеклари этнографиясида муштараклик жиҳатлар ва ўзига хослик хусусиятлари мавжуд.

Туркия ўзбеклари ўзбекчиликни сақлаб қолишнинг асосий тамойили ўзбек тилини йўқотмаслик, ўзбек тилида мулоқот қилиш ва Ўзбекистондан бошқа мамлакатларда дунёга келадиган фарзандларига она тилини

---

ўргатиш деб қарадилар.Шу сабабли Туркияда таваллуд топган ўзбекларнинг 3-4 авлодлари ҳам ўзбек тилида сўзлаша оладилар. Бироқ, уларнинг тил хусусиятларида ўзига хос жиҳатлари ҳам ажралиб туради. Биринчидан, Туркиядаги ўзбеклар орасида XX асрнинг 20 – 40 йилларида муҳожирликка маҳкум этилганлар ва уларнинг фарзандлари кўп сонли бўлиб, улар араб ва лотин имлосида ёзиб, ўқийдилар. Ўзбекистонда эса бир неча бор имло билан боғлиқ ислохотлар туфайли (1929; 1940 йй) ҳозирги замон адабий тили шаклланди. Туркия ўзбеклари лексиконида эски ўзбек адабий тилидаги архаик сўзлар учрайди. Албатта, улар ўзбек тилида сўзлашганда, гап орасида Туркия лаҳжасидаги сўз ва атамаларни ҳам қўшиб юборишади. Масалан, танзим (низом, ислохот); муомала култури (муомала маданияти); учоқ оolini (аэропорт); паспорт (паспорт); ҳавоолони (ҳаво йўллари); трен (поезд); сўба (печ); баладея (шаҳар ҳокимлиги); опортимон бануси (кўп қаватли уй ваннаси); салонча (зал); шамсия (соябон); анжабаробар (доим биргамиз); оби (ака); патрон (бошлиқ) ва ҳоказо<sup>21</sup>.

Ўзбеклар Туркияга Шарқнинг турли мамлакатларидан кўчиб келганлари учун улар лексиконида ўзбек тилидаги истифрат (жосуслик); қофила (карвон); тарҳум (мурда); кузун (қайғу); Сим (Фарғона); мутаққад (сўфи) каби кўплаб архаик сўзлар билан бирга форсча – арабча, арабча – форсча аралаш сўз ва жумлалар кўп ишлатилади<sup>22</sup>

Туркия ўзбеклари ўзбекона урф – одатларни сақлаб қолиш, ахлоқий – маънавий қадриятларни йўқотмаслик йўлларида бири – Ислом динини, мусулмончиликка риоя қилиш деб ҳисоблаганлар. Ислом

---

<sup>21</sup>Собир Сайхонли. Адашганлар. – Т: Чўлпон. 1996. – Б. 68, 117, 146, 171, 186, 218, 246, 247, 249. Муҳожир ўзбеклар билан шахсий суҳбат материаллари, 1996; 1997; 1999; 2003; 2004; 2008; 2010 йиллар

<sup>22</sup>Шаҳоббиддин Яссавий. Ёшлар дунёни кўришсин // Ёшлик. 1992 - № 7 – 8. – Б. 33 – 35;

Рўзиев Ф. Ўзбекистон баракали юрт // Ёш ленинчи. 1992 йил 22 июнь.

фарзларидан бири намозни ўқишга эътибор қаратилиб, намоз масжидларда ўқиларди, шаҳар, аҳоли марказларида кўп сонли масжидлар мавжудлиги ҳам шу туфайлидир

Туркия ўзбекларининг тўй ва таъзия маросимларида уларнинг ўзбеклиги кўзга ташланиб туради. Уларда келинни совчи орқали танлаш, тўйларни “сўз кесди” (унаштириш), асосий базм босқичлари тарзида ўтказиш, имкон қадар ўз миллати вакиллари билан қуда – анда тутиниш, юз очди, чарлар каби маросимларни ўтказиш юртимиздаги Тошкент, Фарғона, Бухоро воҳасидаги урф – одатларнинг трансформацион шаклини эслатади. Умуман келин тушириш тўйлари бизникига ўхшаб кетади ва яқин туради.

Ўтган асрнинг 50 – 60 йиллариданоқ Туркия ўзбекларида суннат (хатна) ва қиз узатиш тўйлари асосан давлат томонидан белгиланган ва хусусий тўйхоналарда ўтказилган. Бу одат истиқлол йилларида бизда расм бўлди. Ҳатто кичик тадбирлар (чарлар, туғилган кун, бешкеча ва ҳоказо) ҳам бизда махсус тўйхоналарда ўтказилиши таомилга кириб бораяпти.

1990 йилда Адана шаҳрида Ўзбек Турдиали афандининг қиз узатиш тўйида қатнашган Фарғоналик юртдошимиз Умаржон Усмонжонов, бу тўйда турк ва ўзбек хонандалари хизмат қилганлиги, ўзбек таомлари дастурхонга тортилганлиги, Комилжон Отаниёзов, Ортиқ Отажонов, Шерали Жўраев каби халқ артистлари овозлари ёзилган пластинкалар туркиялик ўзбеклар томонидан кўзда ёш билан, диққат билан тингланганини ёзганда<sup>23</sup>.

Туркия ўзбекларининг тўйларида туркча удумлар билан ўзбекона қоидаларнинг мужассамлашуви, ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам кузатиш мумкин.

Биринчидан, турк хонанда ва созандалари АҚШдаги ўзбекларнинг тўйларига ҳам таклиф қилиниб, хизмат қилиб қайтишади.

---

<sup>23</sup> Ҳайитов Ш. А. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917 – 1991 йиллар) – Т; ABUMATBUOTKONSALT; 2008. – Б. 185

Иккинчидан, Туркия ўзбеклари тўйларида ҳам ўзбекнинг севимли таоми ош тайёрланиб, меҳмонлар дастурхонига тортилади. Бироқ, бу таомни тайёрлашда бизда гўшт ва гурунч бир қозонда пиширилса, уларда бу масаллиқлар алоҳида – алоҳида қозонда пишириб олинади. Туркиянинг Маниса, Мугла, Шукурова шаҳарларидаги ўзбекларида бу таомилга кирган.

Учинчидан, Ўзбекистонда келин – куёвни давра тўридан “ёр – ёрлар” айтиб, мусиқа садоси остида кузатишади. Туркиядаги ўзбекларда эса, келин келганда олти нафар турк кийимидаги йигитлар келинни қиличларга ўтиртириб олов ўртасидан олиб ўтадилар<sup>24</sup>.

Тўртинчидан, Туркия ўзбеклари тўйларида Ўзбекистондан фарқли ўлароқ, хориждан кўплаб меҳмонлар иштирок этадилар. Афғонистон, Америка, Европа, Ҳиндистон, Араб мамлакатларидан меҳмонлар қатнашиши таомилга кирган.

Ўзбекистон ўзбеклари билан Туркия ўзбекларининг рўзғор тутишида ҳам муштараклик, ҳам ўзига хослик томонлари бор. Туркия ўзбеклари серфарзандликни қадрлайдиган, болажонлиги билан Ўзбекистон ўзбекларига яқин. Бироқ, уларнинг таомларига эътибор берадиган бўлсак, ўзбек ва турк овқатлари бир хил тайёрланиб, дастурхонга тортилади.

Туркия ўзбекларининг таъзия маросимларида амалга ошириладиган тадбирлар Ўзбекистон ўзбеклари сингаридир. Уларда марҳумнинг жанозаси, дафн маросими исломий қоидалар асосида амалга оширилади. Марҳумнинг номига қуръони каримдан оятлар ўқилади, хатми – қуръон қилинади. Бироқ, Туркияда марҳумнинг “учи”, “еттиси”, “қирқи” каби маросимлар ўрнига бева бечораларга хайр эҳсон тарқатиш кенг таомилга кирган. Туркия ўзбеклари исрофгарчиликни, ортиқча бидъатларни танқид қиладилар. Уларда таниқли шахслар вафот этса, турк миллий байроғига ўраб дафн этилади.

---

<sup>24</sup> Тошкент ҳақиқати; 1991 йил 11 октябрь

Ўзбекистон ўзбекларидан Усмонхўжа (1878 – 1968 йй) ва Шермуҳаммадбек Қўшоқбой ўғли (1893 – 1970 йй) шундай хурматга сазовор бўлган ўзбеклардир. Туркия ўзбеклари таъзия маросимларида Ғарб ва Шарқ мамлакатларида истиқомат қилаётган ўзбеклар, уларнинг қавм – қариндошлари иштирок этади. Масалан, Шермуҳаммадбек ва Раҳмонқулихон (1900 – 1986 йй) нинг таъзия маросимларида ўнлаб мамлакатлардан 1000дан ортиқ ўзбек (туркистонлик)лар иштирок этган.

Туркиянинг Адана шаҳрида (290 оила ўзбеклар истиқомат қилган, 1990 йилларда) “Марғилонликлар”, “Қўқонликлар”, “Андижонликлар” кўчалари бўлиб, уларнинг уйлари Фарғона водийси уй қурилиши анъаналари асосида қад кўтарган.

Жумладан, Шермуҳаммадбек ўз ҳовлисида марғилонча супа, сўри (карт), райхон гуллари ўстирилган гулбоғча, пешайвонли уй барпо этганди. Унинг хонаданига ташриф буюрганлар Марғилон шаҳри оилаларига тегишли бўлган уйга тушиб қолгандай бўлишарди.

Хуллас, Ўзбекистон ўзбеклари ва Туркия ўзбеклари этно – социал жараёнларида мутаносиблик ва ўзига хос жиҳатлар мавжудлиги этнография соҳаси мутахассисларининг назаридан четда қолмаслиги керак.

## **II.2. Туркиядаги ўзбек (туркистонлик) лар миллий уюшмалари ва матбуоти.**

1920 йилларнинг 2 – ярмида Туркия Республикасидаги муҳожирлар айниқса, Туркистон АССР, БХСР, ХХСР Республикаларининг Туркияга кўчиб ўтган Германиядаги собиқ талабалари ташаббуси билан “Туркистонликлар жамияти”ни тузиш ҳаракати бошланган. 1927 йилнинг 29 июлида Истанбулда “Туркистон турк генжлари (ёшлари) бирлиги” номли уюшма тузилиб, бу ташкилотни тузишдан мақсад, туркистонликларда истиқлол ғоясини мустаҳкамлаш, моддий жиҳатдан ночор миллатдошларга ёрдам бериш эди<sup>25</sup>. “Туркистон турк ёшлари бирлиги” ташкилотининг раиси қилиб тиш доктори Мажидиддин Аҳмад

---

<sup>25</sup>Prof. Dn. A. Ahat. Andican. Turkistan musadelesi. Birinchi Baski. 2003. Istanbul. S. 308.

(Делил) сайланган<sup>26</sup>. Ташкилотнинг идора таркибига раис Ёкуб Файзи (раис ўринбосари), Зиё (котиб), Зоҳид Ўйлер (идора мудир) Тимур, Абдулқодир, Яҳёбей кабилар кирган. “Туркистон генжлари бирлиги” уюшмаси ўзининг “Бирлик уйи” га эга бўлиб, ушбу бинода бир қатор тадбирлар ўтказилган. Туркистон тарихи ва маданиятини ўрганиш, озошлик учун кураш масалалари, ўзбек миллий байрамларини биргаликда нишонлаш, мушоира ва шеърхонлик кечалари, моддий аҳволи оғир кишиларга ионалар тўплаш, ўзбек миллий матбуот органлари учун мақолалар тайёрлаш кабилар уюшма фаолиятининг асосини ташкил этган. Туркистонликлар уюшмасини Содик Бек бошқарган “Ўзбекистон генжлари (ёшлари) бирлиги” ташкилоти билан ўзаро иттифоқда иш олиб борган.

1930 йил 10 декабрда “Туркистон генжлари бирлиги” тузилганлигининг уч йиллиги муносабати билан “Бирлик” уйида байрам тантанаси уюштирилган. Уюшма раиси М. Аҳмадбек “Янги Туркистон” журналининг муҳаррири Усмонхўжа Пулатхўжаев, собиқ талабалардан Аҳмад Найим, Туркияда таҳсил олган туркистонлик қизлардан Розия хоним, Маъмура хонимлар йиғилганлар олдида маъруза қилишган. Аҳмад Найим ўз сўзини: “Туркистон миллий истиқлолини олмагунча ўз болаларини ўз пули ила тарбия қила олмас. Ўз мустақиллигини олтурғон куни кўп узоқ эмас! Яшасун миллатпарвар ёшлар<sup>27</sup>” – каби тарихий сўзлар билан тугатган.

Байрам кечасида муҳожир Али афанди Анатолия (Ќонадўли) куйларидан чалиб, қўшиқ куйлаган. Маъмура хоним “Туркистонни танимаётганларга” шеърини ўқиган. Хайрия ва Маъмура хонимлар ҳам

---

<sup>26</sup>М. Аҳмад Дедил 1902 йилда Тошкентда туғилган. 1922-1923 йилда Туркистонлик талабалар билан Истанбулга ўқиш учун кетган. 1926 йилда тиш касалликлари факультетени битириб олий маълумотли врач мутахассиси бўлган.

<sup>27</sup>Олтар. Истанбулда Туркистон куни. // Ёш Туркистон. 1930 йил.№ 12 . Б. 32

“Ўйнанг ёр”, “Азизим жон” кўшиқларини маҳорат билан куйлашган. Мушоира ва шеърхонлик, ўзбекона чой ва таомлар билан бўлган зиёфат, дostonхонлик, қизиқчилик кечгача давом этган. Жамият аъзолари тadbир муносабати билан Туркистон ҳаётини акс этирувчи деворий газета чиқаришган<sup>28</sup>.

1930 йиллар охирига қадар “Туркистон турк генжлари уюшмаси бирлиги” уйига байрам тadbирларини Туркистон кунларини ўтказиб туришган. Ҳатто, улар 1929 – 1930 йиллар Туркия Республикаси президенти Мустафо Камол Отатуркка ҳам Туркистон муҳожирлари номидан мактуб билан мурожаат қилишган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фаолияти тўхтаб қолган “Туркистон турк генжлари бирлиги” ўрнига, 1949 йилда Усмон Хўжа Пулатхўжаев ёрдами ва маслаҳати билан Зиёвуддин Бобоқурбон “Туркистон талабалар бирлиги” ташкилотини тузган. Зиёвуддин Бобоқурбон 1930 – йилларда муҳожирликка маҳкум этилган ўзбеклардан бирининг фарзанди бўлиб, у Афғонистондан Туркияга муҳожир бўлиб келган эди. “Туркистон талабалар бирлиги” ташкилотида Абдурахим (Райимжон), Шавкат Ёрбоғ, Бадриддин Охунбой, Шавкат Ўзўғли, Қодирали Чиғатой, Халил Мурод ўғли (туркман) кабилар иш олиб борган. Бироқ, бу ташкилот ҳам узоқ вақт фаолият олиб бора олмаган. Истанбулда 1940 – йиллар охирида “Туркистон ёшлари жамияти”ни тузиш, унинг заминида бутун туркистонликларни ягона уюшмага киритиш учун профессор Аҳмаджон Иброҳим Ўқой, Тоҳир Чиғатой, доктор Солиҳ Эркинқўл кабилар кўп куч сарфлаган. Улар ташаббуси билан туркистонликларни ягона ташкилотга бирлаштириш (Шарқий ва Ғарбий Туркистон миллати вакилларини) ўзаро ёрдам жамиятини тузиш ишлари олиб борилган. Бироқ, Туркия Республикаси тарихида рўй берган сиёсий воқеалар туфайли уюшмалар узоқ яшамаган. Вақтинчалик мавжуд бўлган туркистонликлар ташкилотларида ўзбеклар

---

<sup>28</sup> Ўша жойда. Б. 33

кўп сонли бўлишган. Баъзан уюшмалар, уларнинг йўлбошчилари ва хомийлари оламдан ўтганидан кейин улар тарқалиб кетарди. 1976 йилдаги маълумотлардан бирида “Туркистон ёшлари жамияти”га ўзбеклар раҳбарлик қилишади. Истанбулдаги “Туркистон ёшлари жамияти уюшмаси”ни доктор Солиҳ (Солиҳ Эркинқўл), Тоҳир Чигатой, доктор Ўқтой Мажид Иброҳим ўғли идора этган<sup>29</sup>. Улар ўлганидан сўнг ташкилотлар фаолияти тўхтаганлиги ҳужжатларда қайд этилган.

Нафақат Туркия, балки ўзбек муҳожирлари тарқалиб яшаётган бошқа Шарқ мамлакатларида ҳам ўзбеклар 1930 – йиллардан ўз уюшмаларига асос солганлар. Суриянинг Шом вилояти ва Дамашқ шаҳрида яшаган ўзбеклар “Моддий аҳволи оғир бўлган Бухороликларга ёрдам жамияти”<sup>30</sup>ни тузишда Сурия Франция давлатининг мандати бўлган ўша даврда муҳожирлар томонидан тузилган маданий – маърифий уюшмаларга, муҳожирлар мактабларига ва ўқув юртлари фаолияти кабиларга рухсат берилган. Суриядаги “Бухороликлар ёрдамлашма жамияти” нинг тарқалиб кетишига сабаб 1940 – йилларда уюшма раҳбарияти ўртасидаги зиддият ва 1958 йилда ташкил топган Сурия Араб Республикасининг ҳар қандай миллий уюшмаларни тақиқловчи қонуни еди. Жоми ал Аҳзамда ( Дамашқ атрофида) диний мактаб базасида тузилган “Ўзбеклар ёрдамлашма жамияти” ҳам бўлган. Ушбу уюшманинг мақсади моддий аҳволи оғир муҳожирларга мадад бериш билан бирга миллий тил ва урф – одатларини сақлашда кўмаклашиш еди.

1950 – йилларда Туркия Республикасидан юз минглаб маҳаллий аҳоли иш излаб хорижий мамлакатларга кетди. Бироқ, Туркиянинг ўзида тўпланиб қолган муҳожир туркий халқ вакиллари “Турк генжменлари”

---

<sup>29</sup> Валидий, Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар // Бошқирд тилидан Ш. Тўраев таржимаси. – Тошкент: Адолат; 1997. – 200 б.

<sup>30</sup> Prof. Dn. A. Ahat. Andican. Turkistan musadelesi. Birinchi Baski. 2003. Istanbul. S. 300.

(Турк муҳожирлари ) номли жамоат уюшмасини тузишган. Ушбу ташкилот 1980 – йил сентябрдаги Туркия сиёсий ҳукумати инқироzi даврида ҳарбий диктатура ҳукумати томонидан тақиқлаб қўйилган.

1950 – 1960 йилларда Туркия, Германия ва АҚШ сингари мамлакатларда ўзбек муҳожирлари ўз уюшма ва ташкилотларини туздилар. Туркиянинг муҳожир ўзбеклар зич яшайдиган шаҳарлари: Истанбул ва Аданада “Ҳақиқатчилар бўлими” ташкил етилиб, 1963 йилдан бошлаб улар бирор бир муҳожир ўзбекнинг уйида тўпланиб мажлислар қуришган. Ўзбекларга азалдан одат бўлган: “Ғап”, “Ғаштак”, “Жўра” каби тадбирлар уюштирилиб, жамоа бўлиб ўзбек тилидаги бирор бир китобни овоз чиқариб ўқиш бараварида муҳокама қилиш, грампластинка ва магнитофон ленталарида ёзилган ўзбек қўшиқларини жамоа бўлиб тинглаш, ўз оарларидан ўқитувчи танлаб фарзандларга ўзбек тилида таълим бериш каби тадбирлар амалга оширилган. “Ўзбеклар бўлими” Адана шаҳрида айниқса мустаҳкам бўлиб, миллий ўзликни сақлаб қолиш ва маданий – маърифий масалаларда ҳамкорлик уюшмасининг асосий иш йўналиши эди. Туркия Республикасининг айрим шаҳарларида вужудга келган муҳожир ўзбекларнинг ташкилотлари Туркистон истиқлоли учун кураш масалаларида баҳс юритгани учун уларга совет империячилиқ мафкураси андозасида антисовет ташкилоти сифатида қаралди. Жумладан, 1960 – йилларда мавжуд бўлган Б. Хўжант раислигидаги Аданадаги “Туркистонликлар жамияти”, Измирдаги Бурҳониддин Самарқандий бош котиблиқ қилган. “Коммунизм билан кураш жамияти” кабилар шулар жумласидандир. 1965 йилдаги ҳужжатлардан бирида: “Анқара ва Адана шаҳаврларида “Туркистонликлар жамияти ” бор. Айниқса, “Адана жамияти” кучли ва қудратлидир. Унда Ўрта Осиёдан чиққан миллатлар бирлашган. “Адана жамияти ” ни ўта кетган антисовет Абдулҳамид Кўчар бошқаради ” деб ёзилган. Ҳужжатларда ушбу ташкилотга олимлардан профессор Иброҳим, Ёрқин, Тоҳир Чигатой, доцент Саидали Анқара ҳам аъзодир. Туркиянинг

Адана шаҳрида иккинчи жаҳон урушидан сўнг “Турк мужоҳидлар (Мужоҳид Туркий ветеранлар) нинг уюшмаси” тузилиб, уни собиқ “босмачи” раҳбарлардан Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбеклар бошқарган. Ушбу уюшманинг аъзолари байрам кунларида миллий мустақиллик шиорлари билан кўчаларда намоёиш қилишган. “ Мужоҳид Туркий ветеранлар” аъзолари кекса ва йилдан йилга уларнинг сони камайиб боришларига қарамай, турк ҳукумати олдида обрў – эътиборга эга бўлишган. Туркия ҳукумати уюшма аъзолари учун Истанбул, Адана, Измир шаҳарларида махсус бинолар ажратган. Ҳар йили ушбу уюшма турк ҳукуматидан 100 минг лира миқдорида моддий ёрдам олиб, “Халқаро қизил хоч жамияти” Туркия “Қизил ярим ой жамияти” кабилар ҳам моддий ёрдам кўрсатишган. Шермуҳаммадбек вафотидан сўнг (1970 йил) ушбу уюшманинг роли пасайган.

Саудия Арабистони, Афғонистон, Покистон ва кўплаб араб мамлакатларида миллий ташкилотлар тузиш қонун билан тақиқлаб қўйилган бўлсада, муҳожир ўзбеклар маърифий – маданий уюшмалар тузишга ҳаракат қилишган. Бироқ, бу соҳада фаолият бошлаганлар ҳукуматлар томонидан таъқиб остига олиниб, баъзи муҳожир ўзбеклар жиноий жавобгарликка тортилган.

Туркияда муҳожир ўзбекларнинг 1954 йилда вужудга келган “Бати туркистанликлар ёрдамлашма дернеги” (“Ғарбий Туркистонликлар ёрдамлашма жамияти”) йирик уюшма бўлиб, ушбу ташкилотнинг Ўрта Осиёлик муҳожирлар кўп яшайдиган Адана, Анқара, Истанбул каби шаҳарларда бўлимлари бор эди. Ушбу жамият асосида кейинчалик “Туркистонликлар культур ва социал ёрдамлашма дернеги” ташкил қилинган эди. “Ғарбий Туркистонликлар ёрдамлашма жамияти”ни тузишда муҳожир ўзбеклардан доктор Солиҳ, Ўқтой, Ёрбоғ, Бобоқурбон, Аҳмад Найим кабилар бошчилик қилишган. Ташкилотнинг биринчи раиси

иктисодчи олим Аҳмад Найим Ўқой бўлган<sup>31</sup>. Ташкилотнинг шаҳарлардаги бўлимларида 250 ва ундан ортиқ аъзолари бўлиб, улар ўзининг клуб, кутубхона, чойхоналарига эга эди. Уюшмани Аҳмад Найимдан сўнг ички касалликлар бўйича ҳарбий доктор, полковник Солиҳ Эркинқўл (1962 йилгача); 1962 – 1966 йилларда Зиёвуддин Бобоқурбон, ундан сўнг Неъмат Улуғтуғ, Ҳакимжон каби муҳожир ўзбеклар бошқарган<sup>32</sup>. Жамиятнинг асосий бўлими бўлган Истанбулдаги “Туркистонликларнинг ўзаро ёрдамлашма дернеги” Туркия ҳукумати томонидан расмий тан олинган, аъзолик бадаллари ҳисобига кун кўрадиган, моддий муҳтож ўзбекларга ёрдам кўрсатадиган, байрам кечалари ва тадбирлари уюштирадиган марказ эди. А. Несин бошчилигидаги Анқара бўлими эса маданий – маърифий ғояларни муҳожир ўзбеклар орасида тарғиб қилиш учун ўзбек тилида кундалик радио дастурлар ташкил этган.

1960 йилларда Туркияда туркий халқларни бирлаштирувчи “Тюрк гечманлари” (Туркий муҳожирлар) конфедерацияси фаолият олиб боради. Муҳожирлар жамиятлари конфедерациясини Бухоролик Аҳмад Найим бошқарган. Ушбу ташкилот туркий тилли муҳожирларнинг 7 та уюшмасини бирлаштирган<sup>33</sup>. Туркий муҳожирлар конфедерацияси таркибига “Ғарбий туркистонликлар ёрдамлашма жамияти” ҳам аъзо бўлиб кирган. Уюшманинг “Тюрк дунячи” (“Турк дунёси”) журналида муҳожир ўзбеклар мақолаларини эълон қилишган<sup>34</sup>. “Ғарбий туркистонликлар ёрдамлашма жамияти” нинг 1975 – 1978 йилларда ўз матбуот органи ҳам мавжуд бўлиб, бу “Хур Туркистон учун истиқлолчи газета” деб номланган. Ташкилот Германиядаги “Туркистон миллий

---

<sup>31</sup>Тоҳир Қахҳор. Хур Туркистон учун. Т. Чўлпон. 1994. 42 бет.

<sup>32</sup> Ўша жойда.

<sup>33</sup> Мазкур бирлашма Қрим татар жамияти, Урал, Волгабўйи турклари, Шимолий Кавказ туркий тилли халқлари, Болқон ярим ороли туркий тилли муҳожирлари кабилар ҳам бор эди.

<sup>34</sup> Тоҳир Қахҳор. Хур Туркистон учун. Туркистон; Чўлпон: - 1994, 43 – 44 бетлар.

комитети” билан ўзаро алоқаларда бўлган. 1974 – 1976 йилларда доктор Боймирза Ҳайит унинг фаолияти билан танишиш мақсадида Туркия Республикасига келган<sup>35</sup>.

“Хур Туркистон учун истиқлолчи газета” нинг мудирини Нуриддин Покюррак бўлиб, газета беш минг нусхада чоп этилган. Газетада тарих, маданият, адабиёт ва санъат билан боғлиқ мақолалар билан Солих Эркинкўл, собиқ Германия талабаларидан Абдулваҳҳоб Ўқой, Саида Ўқой, Тоҳир Чигатой, Иброҳим Ёркин ва журналистлардан Ҳаким Ҳайит, Тўлаган Орифхонлар қатнашди.

1980 йилда Туркияда харбий диктатура ҳукмронлиги ўрнатилганидан сўнг барча жамиятлар сингари “Ғарбий туркистонликлар ёрдамлашма жамияти” нинг фаолияти ҳам тақиқлаб қўйилди. 1984 йилга келиб жамият янгидан тикланди. Мазкур жамият “Туркистонликлар социал ва маданий ёрдамлашма жамияти” деб ном олди, унинг доимий қароргоҳи Истамбул шаҳрида Оқсарой даҳасидаги Жерроҳ пошо кўчасига қарашли 373 рақамли уйда жойлашди. Ташкилотнинг 1984 – 1990 йиллардаги раиси Истамбул университети медицина факултети ўқитувчиси, ота – бобоси асли қўқонлик бўлган доктор Аҳад Андижоний бўлган. Аҳад Андижоний ташаббуси билан уюшманинг матбуот органи “Туркистон” журнаliga асос солинди. “Туркистон” журнаlinи турк тилида ҳар кварталда бир марта, бир йилда 4 та сони, минг нусхада чоп этилган. Журналда Туркистоннинг иқтисодий, маданий, ижтимоий, сиёсий ҳаётига оид долзарб мақолалар босилган.

Хуллас, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Туркия Республикасида ўзбекларнинг ўнлаб уюшмалари тузилиб, улар фаолияти муҳожир миллатдошлар учун манфаатли бўлди.

**II.3. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ва унинг “Иени Туркистон” (“Янги Туркистон”) мажмуаси.**

---

<sup>35</sup> Ўша жойда.

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев (1878 – 1968 йй) Бухоро тараққийпарварлик ҳаракатининг фаол аъзоси, БХСР (1920 – 1924 йй) даврида молия нозири, Бухоро Марказий ижроия қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган. Усмон Хўжа ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз Ватанидан хорижга чиқиб кетмасликни истарди. У қўшни Афғонистон давлати ҳудудига ўтган пайтдаги вазият ўта оғир, қалтис ва муракаб бўлган. Ҳатто, бу ҳақда Усмон Хўжанинг ўзи: “Мен адашдим, ҳозир шундай ҳолатдаманки, менинг қисматим, тақдирим қанчалик оғир эканлигини ҳис этаяпман” – деган<sup>36</sup>.

Совет ҳукумати ҳам БХСР давлат органларидаи масъул вазифаларда ишлаб турган, юксак обрў – эътиборга эга бўлган Усмон Хўжанинг мақсадини билишга у хорижга ўтган дастлабки кунларданок қизиққан.

1920 – 1922 йилларда БХСР ҳукумати номидан Афғонистонда элчилик вазифасини бажараётган Абдураҳим Юсуфзода (1880 – 1937 йй) ни совет Россиясининг Афғонистондаги элчиси Ф. Раскольников ўз хузурига чорлаб, Усмон Хўжага одам юбориб унинг мақсадидан ўзини воқиф қилишликни талаб қилган. Тазйиқ туфайли А. Юсуфзода Бухоро элчихонаси бош котиби Мирзо Муҳаммад Шариф Хўжани Усмон Хўжа хузурига юборган.

Усмон Хўжа унинг Афғонистонга қочиб ўтиши сабаби билан боғлиқ берган саволига: “Мен ўрислар оддий фуқароларни қандай талаётганларини, азоблаётганларини кўрдим. Улар “босмачилар” га қарши курашиш баҳонасида аҳолини таладилар, шунга ўхшаш безориликлар кўп бўлди”<sup>37</sup> - деб жавоб берган.

1920 йилларда Афғонистонга кўчиб ўтган ўзбек муҳожирларидан Қози Ҳожи, Қори Абдулла, Нуркул Ботир, Дониёрбеклар Ф.Хўжаевга

---

<sup>36</sup>Шамсутдинов Р. Абдураҳим Юсуфзода / Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. Т: Шарк - 2001; Б. 56.

<sup>37</sup>Ўша жойда; Б. 55 – 56.

махсус мактуб йўллаб : “Бухоро мустақиллиги фақат сўзда эшитилади , аслини олганда эса, кекса инқилобчилардан бири қаҳрамон Усмон Хўжа Бухоро жумҳурияти раиси бўлишига қарамай ўрис консули ва сизга қарши уруш эълон қилди. У барча зулмга бардош беролмасдан у томонга (Афғонистонга) ўтишни афзал кўрди”<sup>38</sup> – деб ёзган эдилар. Усмон Хўжа билан маслакдош ва фикрдош бўлган Абдурахим Юсуфзода, Ота Хўжа, Файзулла Хўжаев кабилар кейинчалик ўзларини тергов қилиш билан боғлиқ жараёнларда Усмон Хўжанинг Афғонистонга қочиб ўтиши ҳақида махсус кўрсатма олганлиги (Абдуқодир Муҳиддинов орқали) инглиз ва афғонлардан ҳарбий ёрдам олиб қизил армияга қарши кураш олиб бориш ниятида эканлигини қайд қиладилар.

Нима бўлганда ҳам Усмон Хўжа қўшни давлат Афғонистонга ўтиб, ҳарбий куч тўплаб Ватан озодлиги учун янгидан кураш майдонига кирмоқчи эди. Уни ўз она юртидан узоқлаштирган омил эса советларнинг буюк давлатчилиқ ва зўравонлигидан иборат сиёсат бўлганди.

Туркиялик муҳожир ўзбек Аҳад Андижонийнинг ёзишича: бу даврда Эрон орқали Афғонистон ҳудудига турк зобити Ҳожи Сами ва унинг 35 нафар тарафдорлари келишган. Аҳмад Заки Валидий Тўғон ҳам Афғонистонда сиёсий муҳожир бўлиб яшаётган, истиқболда Туркистон Миллий Бирлиги Комитети (ТМБК) фаолияти билан боғлиқ дастур тузиш ишлари билан банд эди. Усмон Хўжа Аҳмад Заки билан учрашиб, улар Афғонистондан туриб миллий мужодала ҳаракатини давом эттиришларига ўзаро келишадилар.

1923 йилнинг ёзида хорижий мамлакатлардаги муҳожир туркистонликларни бирлаштириш ва миллий ҳаракатларни давом эттириш учун Кобул яқинида махсус йиғилиш бўлиб ўтади.

---

<sup>38</sup> Шамсутдинов Р. Усмон Хўжа ватан хоини эмасди // Халқ сўзи, 1991; 15 октябрь.

Ушбу кенгашда Абдулҳамид Орипов Афғонистонда қолиб ишни давом эттириши, Ҳошим Шойиқ Ёқубов<sup>39</sup> Японияга йўл олиши, Муфти Садриддинхон ва Туроббек Машҳад (Эрон) га бориши, Усмон хўжа эса Туркияга қараб йўлга чиқишга келишилади.

Айрим маълумотларда Усмон Хўжа Афғонистон ҳудудига ўтганидан сўнг, 1923 йилда уни афғон амири Омонуллахон (1892 – 1960; 1919 - 1929) ўз ҳузурига чорлаб Усмон Хўжани эътиборли шахс ва ватанпарвар инсон сифатида ҳурмат қилиши, лекин советлар тазйиқи туфайли БХСР МИК собиқ раисини 2 – 3 кун ичида Афғонистондан чиқиб кетиши билан боғлиқ ўз талабини қўяди, каби фикрлар келтирилади. Совет махсус идораларининг қатъий назорати остида бўлган Усмон Хўжани чегарага яқин мамлакат ҳудудида яшашини совет ҳукумати ҳеч қачон истамаган.

Нима бўлганда ҳам Усмон Хўжанинг Афғонистонда қолиши узоқ муддатга чўзилмай, у Ҳиндистон давлати орқали Туркия сафарига чиқади. Усмон Хўжа билан бир пайтда Аҳмад Заки Валидий Тўғон Афғонистондаги Бухоро элчихонаси томонидан берилган “Бухоро фуқароси” паспорти билан Туркияга, ундан эса Европага кетиш учун йўлга чиққанди<sup>40</sup>.

1923 йилнинг ўрталаридан бошлаб Туркия давлатида Усмон Хўжанинг муҳожирликдаги ҳаёти бошланган. Туркия Республикаси ҳали ташкил топмаган, бироқ Анқарада “Туркия муваққат ҳукумати” фаолият

---

<sup>39</sup>Ҳошим Шойиқ Ёқубов (1865 - 1935) БХСР да Ташқи ишлар нозирининг ўринбосари лавозимида ишлаган. 1922 йилнинг феврилида А. Юсуфзода ўрнига Қобулга элчи қилиб юборилган. 1922 йил 8 апрелдан бошлаб Афғонистондаги БХСР нинг фавқулодда ва мухтор элчиси. 1923 йил баҳоридан БХСР элчихонаси ваколатларининг Россия Федерацияси элчихонасига бўйсўндирилиши туфайли, истиклолчилар тарафига ўтган. 1935 йилгача Афғонистон маориф нозирлигида ишлаган ва бир умр муҳожирликда қолиб кетган.

<sup>40</sup>Ahat.Andican.Turkistan musadelesi; S. 194 – 195.

олиб бораётган, турк халқининг миллий қаҳрамони Мустафо Камол Отатурк (1881 – 1938; 1923 - 1938) ушбу ҳукумати раҳбари эди.

Усмон Хўжанинг пойқадами Туркия ҳудудига тегмасдан бир йил олдин, яъни 1922 йил март ойида БХСР дан Маҳмуд Назар ва Маҳмуд Ражаб бошчилигидаги вакиллар Анқарага ташриф буюрганлар, уларни расмий кутиб олган “Муваққат Анқара ҳукумати” ташки ишлар нозирининг муовини Зиёдбек ҳамда хорижий ишлар вакили Юсуф Камолбеклар ҳукумат бошлиғи Мустафо Камол ҳузурида расмий музокаралар олиб боришини уюштирган эдилар. Бухоро элчилари Туркияга ўзлари билан совға тарзида Амир Темур замонидан қўчирилган Қуръони Карим нусхаларидан бирини, Туркия аскарлари учун Бухоро тасвири туширилган нишонларни, бухороча сарупо, учта олтин дастали қилич олиб борган эдилар.

Олтин дастали қиличнинг биттаси Мустафо Камолга, иккинчиси Исмаи пошога, учинчиси эса Измирни эгаллашда жонбозлик кўрсатган турк зобити Шерифбейга берилганди<sup>41</sup>.

Мустафо Камол Туркиядаги афғон элчиси Файз Аҳмадхонни ўз ҳузурига чорлаб: “Агар юртингизда Туркистон мусулмон муҳожирлари учун жой бўлмаса бизга топширинг!” – деб қатъий талаб қўяди. Туркия ҳукумати Туркияга кўчиб келган туркистонликларни 5 йил барча солиқлардан озод этади, уларга арзон нархларда мол – мулк, ер ва чорва моллари беради<sup>42</sup>.

---

<sup>41</sup>Turkistonda Venilik Hareketleri ve ihtilaller. 1900 – 1924; S. 341 – 342; Бухоро ҳайъати Мустафо Камол пошо ҳузурида // Бухоро ахбори. 77 – сон. 1922 йил 4 апрель. Ҳайитов Ш.А. Раҳмонов К. Бухоро халқ совет Республикаси ва Шарқ мамлакатлари. Бухоро – 2004. Б. 10 – 11. Б.

<sup>42</sup>Халқ сўзи; 1992 йил, 28 октябрь; Саид Мубаширхон Косоний. Хотиралар // Дунё; 1993, № 1 Б. 29. Ирисов А. Ватан меҳри // Гулистон 1995, № 4; Б. 44. Ҳайитов Ш. Мустафо Камол Отатурк ва ўзбек муҳожирлари // Бухоронома; 2001; 26 декабрь

Шундай экан, Мустафо Камол ўз Ватанига бошпана излаб келган Усмон Хўжа сингари тарихий шахсларга эътиборсиз бўлиши мутлақа мумкин эмасди.

Усмон Хўжани ўз меҳмонидек қабул қилган Мустафо Камол унга эндигина шаклланиб келаётган ёш Туркия Республикаси ҳукуматида масъул вазифада ишлашни таклиф этади. Шахсий суҳбатлардан бирида хорижлик ўзбеклар Усмон Хўжага Мустафо Камол ўз ҳукуматида ташқи ишлар вазири лавозимида ишлашни таклиф этган.

Республика даврий матбуотида ёзилишича ва кейинги маълумотларда Усмон Хўжа унга бундан кейин Туркистон маданияти масалалари билан шуғулланиш мақсади борлигини айтади. Мустафо Камол Усмон Хўжага маънавий ва моддий мадад беришини айтиб, унга Туркия давлати миқёсидаги нафақа белгилайди. Усмон Хўжа ўлимига қадар ўзи, вафотидан сўнг эса ушбу нафақани унинг хотини оладиган бўлади.

Усмон Хўжа “Туркистон маданияти билан шуғулланди” деган фикр бизнингча ҳақиқатдан йироқ. У Туркия Республикасининг ҳукумат органларида ишлаш билан боғлиқ таклифни қабул қилганида бутун вужуди билан раҳбарлик ишига киришиб кетган бўларди ва асосий мақсад: Туркистон озодлиги учун курашни давом эттириш иккинчи вариантга тушиб қоларди.

Шу сабабли бўлса керак, Усмон Хўжа Мустафо Камол таклифига кўнмаган. Усмон Хўжанинг кейинги фволияти у хориждаги ўзбекларнинг сиёсий жараёнлардаги етакчи иштирокчиларидан бири бўлганлигини исботлайди.

Усмон Хўжанинг чет элдаги сиёсий ва маданий фаолияти билан боғлиқ масала устида фикр юритишдан олдин унинг Она – Ватани билан алоқалари билан боғлиқ йўналишда фикр юритишни лозим топдик. Усмон Хўжа муҳожирликда яшасада, қанчалик мураккаб бўлмасин, Туркистон билан ўзаро алоқаларини сақлаб қолган. Бу ҳақда истиқлол йилларида

олиб борилган бир қатор тарихий тадқиқотлардан кенг маълумот олиш мумкин.

Миллатпарвар шоир, адиб ва давлат арбоби Абдурауф Фитратга тўнгалган айбловлардан бири: “Хориждаги аксилинқилобий миллатчи мухожирлар (Усмон Хўжаев, Ҳошим Шойиқ ) ва афғон ҳукуматининг айрим арбоблари билан (Афғонистоннинг Тошкентдаги собиқ қосули Муҳаммад Асламхон ва Мирза Муҳаммадхон миссиясига раҳбарлик қилган генерал Муҳаммад Валихон ) доимий тарзда алоқа қилиб турган” – деб кўрсатилганди<sup>43</sup>.

А.Фитрат ва Ф.Хўжаевлар Афғонистонга Усмон Хўжа билан учрашиш учун Ҳайдар Ҳаётийни (Ф.Хўжаевнинг шахсий котиби) юборишганлиги маълумоти берилади.

Ёки 1922 – 1923 йилларда бир гуруҳ бухоролик талабалар билан Берлин (Германия) га ўқишга юборилган Азиз Хўжаев мамлакатга қайтиб келганидан сўнг 1936 йилда А.Фитратнинг яқин одами сифатида ГПУ ходимлари томонидан қамоққа олинади ва беш йилга Соловекис (РСФСР) га сургун қилинади.

А.Фитрат у орқали Туркияга БХСР Марказий Ижроия Қўмитасининг собиқ раиси Усмон Хўжаевга мактуб жўнатмоқчи бўлган экан<sup>44</sup>.

Ушбу маълумотлар қайдаражада ҳақиқатга яқин бўлишидан қатъий назар А.Фитрат сингарилар билан Усмон Хўжа ўртасидаги маслақдошлик, мақсад ва интилишлар муштараклиги анъаналари сақланганга шак – шубҳа йўқ.

Тарихий далиллар шуни кўрсатадики, БХСР ҳукуматининг бошлиғи Ф.Хўжаев имкон қадар амакиси Усмон Хўжа билан алоқалар

---

<sup>43</sup> Муртазоев Ж. Соҳибов Х. Фитратга қарши фитна // Жаҳон адабиёти; 1997; № 3; Б. 172.

<sup>44</sup> Ўша жойда; Б. 180.

ўрнатишга, Туркистон озодлиги учун курашлардаги ишларидан бир – бирларини хабардор қилиб туришга ҳаракат қилишган.

Тарих гувоҳлигича Бухоро Республикаси МИК раисининг ўринбосари Муинжон Аминов бир муддат Афғонистонда яшаган ва Усмон Хўжа билан Ф.Хўжаев ўртасидаги мактуб ёзишмалари алоқасини амалга оширган. Афсуски, ушбу мактуб нусхалари сақлаб қолинмаган.

Кейинчалик эса Москвада таҳсил олаётган бухоролик талаба Мисбах Бурҳонов бу ердаги Туркия элчихонаси орқали Туркиядаги ўзбек муҳожирлари ва Усмон Хўжа билан бўлган ўзаро алоқаларда воситачилик қилган. Нафақат Ф. Хўжаев, балки БХСР ҳукумати аъзоларидан Ато Хўжа, Ҳамро Хўжалар ҳам Усмон Хўжа билан мактубий алоқаларда бўлганлар.

Муҳаммар Бурҳонов (Мисбах Бурҳоновнинг укаси) 1924 – 1925 йилларда шахсан Файзулла Хўжаевдан чет элларда ўз шахсий дахлсизлигини таъминловчи махсус ҳужжат олган.

У Туркиянинг Истанбул, Бурса, Костомира каби шаҳарларида яшаган ва таҳсил олган. 1924 – 1925 йилларда Туркияда истекомат қилаётган оиласидан хабар олиш учун бир неча марта у ерга бориб, миллий озодлик ҳаракати фидойилари Усмон Хўжа ва Носир Ҳакимовлар билан учрашди<sup>45</sup>.

Муинжон Аминовнинг тергов протоколларида: Файзулла Хўжанинг амакиси Усмон билан (Усмон Хўжа) қандай алоқалар бўлган? - деб берилган саволга “айбдор”: “Файзулла Хўжаевнинг амакиси Ота Хўжаевнинг гапига қараганда, улар Усмон Хўжаев билан яширин ёзишмалар олиб боришган. Анвар пошо ҳам бизнинг тавсиямиз билан Душанбега: Усмон Хўжаев олдига юборилган эди. Усмон Хўжаев Туркияга ўтиб кетади. Кейинги алоқаларни Файзулла Хўжаев Москвадан турк элчихонаси орқали амалга оширди. Бу алоқалар Ота Хўжаев, Ибод

---

<sup>45</sup>Қиличев Ф. Мустақилликнинг фожиали йўли // Шарқ юлдузи, 1992; № 7; Б. 155; Б. 160 – 161. Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт; Бухоро – 2005; Б. 106 – 107.

Хўжаев, Ҳамро Хўжаев ва Мисбах Бурхоновлар орқали бўлар эди”<sup>46</sup> – деб жавоб берган.

Файзулла Хўжаев Усмон Хўжанинг Туркияда чоп эттирилган журнали: “Йени Туркистон” дан хабардор бўлиб, ушбу нашрни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб – қувватлаган<sup>47</sup>.

Маълумки, XX асрнинг 20 – 30 йилларида Ўзбекистонда совет ҳокимиятига қарши маҳаллий зиёлиларнинг миллий муҳолифатчи ташкилотлари иш олиб борган.

Ўзбек халқи манфаатларини ҳимоя қилиб, мустамлакачилик сиёсатига қарши чиққанлар, “Кўмак (1909 - 1923) ”, “Миллий иттиҳод (1921 - 1925) .”, “Миллий истиқлол ”(1922 - 1929), “Туркистон Миллий Бирлиги (1920 - 1923)”, “Ботиргапчилар ”, “Темурчилар”, “Ўн саккизлар гуруҳи”, “Иноғомовчилик”, “Бадриддиновчилик”, “Қосимовчилик” каби ташкилот ва номлар билан аталганди<sup>48</sup>.

Миллий ташкилотлар ҳориждаги ўзбеклар ва уларнинг фаолиятига бефарқ бўлмадилар. Аксинча, совет ҳокимияти органларида ишлаётган миллат фидойилари, туркистонлик муҳожирларнинг сафдошлари, жади́дчилик ҳаракатининг собиқ намоёндалари эдилар. Иккинчидан эса, совет тузумини тугатиб, миллий демократик давлат тузишдаги муштарак мақсадлар уларни бирлашиб иш қўришга чорларди.

Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг “Миллий истиқлол” ташкилоти дастуридаги уч муҳим масаладан учинчиси : “Муҳожирлар билан алоқани ташкил этиш, муҳожирлар ва уларнинг оилаларига

---

<sup>46</sup>Қиличев Ф. Эслатилган мақола. Б. 158.

<sup>47</sup>Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Раҳмонов К. Ўша китоб, Б. 102

<sup>48</sup>Абдуллаев У. К. Ўзбекистонда 20 – 30 йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (маҳаллий зиёлилар мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация; Андижон – 2003; Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жади́дчилик ҳаракатидан лавҳалар) Т: Шарқ – 2001. Ражабов К. Оммавий қатағон сиёсати // Ўзбекистон овози, 2001; 15 апрель ва ҳоказо

(шунингдек, аксилшўравий фаолиятда жабрланганларга ҳам) ёрдам бериш<sup>49</sup>га йўналтирилган эди”.

XX аср 20 йилларида вужудга келган яна бир ташкилот “Ботиргапчилар” дастурида озодликка эришиш йўлида Эрон, Афғонистон, Туркия, Англия ва бошқа Европа мамлакатлари билан алоқа боғлашга эришиш учун муҳожирликда яшаётган Аҳмад Заки Валидий Тўғон Мустафо Чўқай ва Усмон Хўжа каби мухториятчилар, “босмачилар” ёрдамига таяниш кераклиги қайд қилинганди<sup>50</sup>.

Ўз вақтида Мустафо Чўқаев ва Усмон Хўжа кабилар хорижда чоп этилган матбуот органларида (“Йени Туркистон”; “Ёш Туркистон”) “иноғомовчилик”, “ўн саккизлар гуруҳи”, “бадриддиновчилик”ни тўла ёқлаб бир қатор мақолалар чоп эттирган эдилар.

Раҳим Иноғомов<sup>51</sup> ҳақида маълумот берар экан, тадқиқотчи У.Убайдуллаев: “У Истанбулга (Туркия Республикаси) Усмон Хўжа Пулатхўжаев томонидан “Янги Туркистон” журнали таҳририятида ишлаш учун таклиф этилганди. Табиийки, бундан таклифни Иноғомов қабул қила олмасди, унинг мустабид тузум чангалидан қутулиб хорижга кетишга имкони йўқ эди<sup>52</sup>” - деб ёзади.

Юқоридаги далиллар Усмон Хўжанинг диққат – эътиборида доимо она – Ватани Ўзбекистонда юз бераётган жараёнлар бўлганлигидан далолат беради.

Шу ўринда Усмон Хўжа ўғли Темур Хўжанинг мулоқотлардан бирида юртдошларимизга қарата: “Ватан бу – илдиздир. Бу юртга илдиз

---

<sup>49</sup>Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик ҳаракатидан лавҳалар) Т: Шарқ – 2001;Б.69

<sup>50</sup>Убайдуллаев У.К. Эслатилган диссертация . Б . 78 . Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ўзбекистон – бизга ҳам Ватан; Бухоро – 2006; Б. 98 – 99.

<sup>51</sup>Раҳим Охунжонович Иноғомов – 1902 – 1938 йилларда яшаган, Ўзбекистон маориф халқ комиссари (1925 - 1926), Ўзбекистон Компартияси МК матбуот бўлими мудир (1926) лавозимларида ишлаган, қатағон қурбони бўлган.

<sup>52</sup>Убайдуллаев У.К. Эслатилган диссертация . Б . 114 – 115.

отмаган, уни тупроғини хурмат қилмаганлар бу ерни Ватан қилолмайди. Илдиз оёғинг остида боболаринг арвоҳи чирқиллаб туришидир. Илдиз шу ернинг тилини, урфини фақат тилга эмас, қалбга сингдиришдир. Бизнинг боболар ҳам Туркистонни Ватан дейди, чунки илдизимиз, бизни кўкартирувчи, яшнатувчи тупроқ шу ерда” – деган қалбларни ларзага келтирувчи фикрлари ёдга тушади.

Усмон Хўжа Туркия Республикасида туриб миллий озодлик учун курашни давом эттирди. Туркия ва ер юзи бўйлаб тарқалиб кетган туркистонликларни ягона бир миллий ташкилотга бирлаштириш учун ҳаракат бошлади.

Ушбу мақсадда 1927 йилнинг 15 – 29 март кунлари Истанбулда “Туркистон озодлик жамияти” Марказий Комитетининг Конгресси ўтказилди. Конгрессни ўтказиш ташкилотчилари: Аҳмад Закий Валидий Тўғон, Мустафо Чўқай, Абдулқодир Сулаймон, Мустафо Шакули, Маъмур Ниёзий, Усмон Хўжа кабилар эдилар. Конгресс фаолиятига А.Закий Валидий Тўғон раислик қилди ва Туркистон Миллий Бирлиги (ТМБ) тузилганлиги эълон қилинди<sup>53</sup>.

ТМБ нинг раислик лавозимиغا Усмон Хўжа, унинг котиби қилиб эса БХСР нинг Туркиядаги собиқ талабаси Межидиддин Делиллар<sup>54</sup> сайланди. 1927 – йилнинг 29 – июлида Истанбулда муҳожир туркистонликларнинг яна бир ташкилоти: “Туркистон турк генчлари (ёшлари) бирлиги” ташкилоти тузилди<sup>55</sup> (ТТГБ). Ушбу ташкилотнинг ҳам шаклланишида Усмон Хўжа муҳим рол ўйнайди ва унинг барча

---

<sup>53</sup> Ahat.Andican. Turkistan Musadelesi; S. 299 – 302.

<sup>54</sup> М. Делил – 1902 йилда Тошкентда тузилган. 1922 йилда Туркияга ўқиш учун келган. Истанбул Университетининг Тиш касалликлари факультетини битирди. 1926 йилдан Тиш касалликлари жарроҳи бўлиб ишлай бошлаган.

<sup>55</sup> Ahat. Andican. Ўша китоб; S. 308 – 309.

тадбирларида иштирок этди. Мазкур ташкилотни бошқариш масъулияти Межидиддин Делил зиммасига юклатилди.

ТТГБ нинг Истанбулда “Бирлик” уйи бўлган. 1930 – йил 10 – декабрда ТТГБ тузилганлигининг уч йиллиги муносабати “Бирлик” уйида байрам тантанаси бўлиб, унинг тадбирларида Усмон Хўжа, Аҳмад Найим кабилар, ҳамда Туркияда таҳсил олган Туркистонлик талабалардан Розия хоним, Маъмура хонимлар фаол иштирок этадилар. Усмон Хўжа ушбу байрам тадбирида Туркистон истиқлоли учун курашни қатъийдавом эттиришга ёшларни ундовчи нутқ сўзлаган. Жамият аъзолари миллий кўшиқ ва шеърхонлик мушоираларидан сўнг Туркистон ҳаётини акс эттирувчи деворий газета ҳам чиқаришган. Ушбу ташкилотнинг Туркия Республикаси президенти Мустафо Камол номига Туркистон муҳожирлари номидан ёзилган мактубини тайёрлашда ҳам Усмон Хўжа шахсан амалий ёрдам берган.

1938 йилда айрим сабабларга кўра ТТГБ ташкилоти ўз фаолиятини тўхтатди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, 1949 йилда яна айнан Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг ёрдами ва маслаҳати билан Зиёвуддин Бобоқурбон исм – шарифли Афғонистондан Туркияга кўчиб ўтган муҳожир ўзбек бу ташкилотни “Туркистон талабалар бирлиги” номи билан янгидан тиклади. Ушбу ташкилотда Абдурахим (Райимжон), Шавкат Ёрбоғ, Бадриддин Охунбой, Шавкат Узоғли, Қодирали Чиғатой, Халил Мурод ўғли (туркман), Аҳмад Чиғатой, Аҳмаджон Иброҳим Ўқой кабилар муҳим роль ўйнади. Усмон Хўжа Туркиянинг Истанбул, Измир, Анқара, Кўня, Адана шаҳарларида турли вақтларда вужудга келган “Турк генчменлари” (“Турк муҳожирлари”), “Ҳақиқатчилар бўлими”, “Туркистонликлар жамияти”, “Коммунизм билан кураш жамиятлари”, “Турк муҳожирлар уюшмаси”, “Туркистонликлар ўзаро ёрдамлашма

дернеги” каби бир қатор уюшмалар фаолиятида иштирок этган, уларнинг ўзаро бирлашиб яқдилликда ҳаракат қилишларига даъват этган<sup>56</sup>.

Усмон Хўжанинг хориждаги матбуотчилик фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

1927 йилга қадар муҳожир Туркистонликлар собиқ СССР ҳудудидан хорижга кўчган кавказлик муҳожирлар ҳамда украин муҳожирлари билан биргаликда ташкил этилган “Прометей” журнали фаолиятида қатнашар эдилар.

1927 йилнинг июнь ойидан бошлаб, ТМБ нинг матбуот органи сифатида араб имлосида, Туркия туркчасида “Йени Туркистон” (“Янги Туркистон”) мажмуаси чоп этилиши йўлга қўйилди. Ушбу журнални чоп эттириш ташкилотчиси ва раҳбари Усмон Хўжа Пўлатхўжаев бўлган эди. Мажмуа 32 саҳифага мўлжалланган бўлиб, уч бўлимда: яъни бу бўлимлар сиёсий мақолалар, адабий бўлим ва хабарлар рукни кабилардан иборат бўлганди. Журналнинг илк сони биринчи саҳифасида Туркистон Миллий Байроғи тасвири туширилганди. “Янги Туркистон” нинг 1 – сони 500 нусхада чиқди, кейинчалик эса бу мажмуа 750, 1000 нусхаларда чоп этилганди. Журнал биринчи сонининг бош мақоласида мажмуани чиқариш билан боғлиқ сабаблар баён қилиниб, асосий мақсад миллий ҳаракатда туркистонликлар бирлигига эришиш, Туркистоннинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётидан хабар бериб бориш, Туркистон озодлиги учун кураш олиб бормоқ кабилардан иборатлиги қайд қилинганди. “Янги Туркистон” да Усмон Хўжа ва Мустафо Чўқаев сиёсий мақолаларни тайёрлади. А. Заки Валидий бадий адабиёт ва умуман маданиятга тегишла мақолалар эълон қилиши кўрсатилганди. “Янги Туркистон” чоп этилганида Ўрта Осиё коммунистик ташкилотлари раҳбари Зеленский ва Ўзбекистон компартияси раҳбарларидан Ивановлар “Правда Востока” газетасида мақола чоп

---

<sup>56</sup>Ахрор Абзамовнинг шахсий архиви: III, XIIдафтар; Б. 5, Б. 12. Тоҳир Қаҳҳор. Хур Туркистон учун. Т: Чўлпон – 1999; Б. 43 – 44. Ҳайитов Ш, Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати, Бухоро – 2005. Б. 122 – 125.

этириб: “Янги Туркистон” чилар “пантуркист”, “панисломист”, “империализм малайлари”, “амир ва буржуазия тарафдорлари” – деган мазмундаги тухматдан иборат фикрларни, билдиргандилар<sup>57</sup>. “Прометей” чилар маркази Польша давлатининг пойтахти Варшава бўлиб, журнал Франция пойтахти Парижда ва Германия маркази Берлинда чоп этирилар эди. Усмон Хўжа “Янги Туркистон” чоп этилиши билан боғлиқ хабарни Польша ҳукумати раҳбари ва президенти Юзеф Пилсудскийга билдирди. Юзеф Пилсудский<sup>58</sup> “Янги Туркистон” га моддий жиҳатдан маблағ ажратишга розилик билдиради. 1931 йилнинг охирига қадар “Янги Туркистон” нинг 24 та сони нашрдан чиқди.

Усмон Хўжа ўғли “Янги Туркистон” журнали фаолиятида ўз мақолалари, рисоласи ва шеърлари билан иштирок этди. Мажмуанинг 1 – сониди Усмон Хўжанинг “Туркистонда турк адабиётининг мафкуравий ҳолатига бир назар” номли мақоласи чоп этилиб, унда А. Фитрат, А.С.Чўлпон, Мағжон, Элбек, Боту сингари миллатпарвар ижодкорлар ҳақида ва миллий мафкура тўғрисида кенг фикрлар юритилади.

Журналнинг бир қатор сонларида Усмон Хўжа мақолалари билан бирга унинг учта шеъри ҳам босилиб чиқади. Шундай шеърлардан бири 1922 йилнинг 4 августида Балжувонда шахид бўлган Анвар пошога атаб ёзилган “Интиқом ал - интиқом” марсияси бўлиб, мазкур шеърдан:

Турклик қони томирларда бугун қайнади;

Эрта чиқиб Туркистонда байроқ очар,

---

<sup>57</sup> Ahat. Andican. Эслатилган китоб; S. 302 – 303.

<sup>58</sup>Юзеф Пилсудский (1867 - 1935) – 1918 йил ноябрда Польша социалистик партиясининг (ПСП) ўнг қаноти йўлбошчиси. У дастлаб президент (“Давлатнинг муваққат бошлиғи”) ҳамда поляк армиясининг бош қўмондони сифатида эълон қилинди. 1926 йилда ўзи уюштирган ҳарбий тўнтаришдан сўнг Польша диктатори, 1926 йилдан 1928 йилгача ва 1930 йилда Польша бош вазири лавозимида ҳам ишлаган. Унинг мақсади “Денгиздан - денгизгача бўлган Буюк Польша” (яъни Болтиқ денгизидан Қора денгизгача) давлатини тузишэди.

Бутун дунё сўзимизга қулоқ солар,

Ҳар бир давлат келиб биздан элчи сўрар,

“Интиқом..... ал – интиқом!” каби мисраларни ўқиймиз. “Янги Туркистон” мажмуаси орқали Усмон Хўжа Туркистонликларнинг минг – минглаб хориждаги фарзандларини миллий ўзлигини англаш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилди.

Усмон Хўжа хориждаги Туркистон жамиятлари уюштирган анжуманларда имкон қадар иштирок этиб нутқ ирода этар, барча муҳожирларни Туркистон озодлиги йўлида якдилликка чақирарди. 1936 йилнинг май ойида ўтказилган ТТГБ нинг навбатдаги анжуманларидан бирида Усмон Хўжа Туркистон тарихи, бугунги аҳволи , истикболи, озодлик учун курашдаги вазифалар тўғрисида катта нутқ сўзлади. Ушбу нутқи Туркия туркчасида, араб имлосида ўша йилдаёқ Истанбул “Туркистон” номи билан рисола ҳолатида нашр этилди.

Усмон Хўжа дунёнинг дунёнинг тараққий этган мамлакатлари эътиборини совет мустабид тузуми остида ҳисобланган мустамлака: Туркистонга қаратишга ҳаракат қилди. У 1932 йилда “Туркистон Миллий Бирлиги маркази” номидан Япония ҳукумати раҳбарига махсус меморандум билан мурожаат қилади. Мазкур меморандумни Усмон Хўжа ва ТМБ нинг котиби Межидиддин Делиллар имзолашган. Меморандум орқали туркистонликлар Япониядаги сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ва маданий ўзгаришлардан доимо хабардор бўлиб борганликлари, 1904 – 1905 йиллардаги рус – япон уруши ҳамда унинг оқибатлари тўғрисида тўхталиб ўтилади. Туркистонда XX аср бошларида кечган энг муҳим сиёсий воқеалар: “Туркистон мухторияти” (1917 – 1918). Истиклолчилик ҳаракати (1918 - 1923), хориждаги туркистонликлар аҳволи ҳақида батафсил малумот келтирилган. Япония ҳукуматидан Ғарбий (Ўрта Осиё) ва Шарқий Туркистонни (ХХР Шинг – Жонг уйғур мухтор райони) озод

қилишда моддий ва маънавий қўллаб – қувватлаш сўралган<sup>59</sup>. Кўпроқ масала Шарқий Туркистонга тегитшли бўлганлиги сабаби шунда эдики, 1931 йилда Япония Хитой Манжуриясида мустақил ҳукумат тузганди.

Усмон Хўжа иккинчи жаҳон уруши йилларида Жанубий Эрон, Польша, урушдан сўнг Покистон (1950 – 1957 йиллар) каби давлатларнинг ҳудудларида ҳам муҳожир бўлиб яшади. У иккинчи жаҳон урушидан сўнгги даврида, яъни 1950 йилда Покистоннинг Пешовар шаҳрига кўчиб ўтади. Ўша пайтда Покистон ва Афғонистон ҳамон ўзбек муҳожирлари зич яшаётган давлатлар бўлиб қолганди. Покистонда ҳам озодлик учун курашлар давом эттирилиб, қайноғаси Сайид Анвархон, Бухоро собиқ амирининг ўғли Сайид Амирхон, муҳожир ўзбек Ҳожи Маҳмудхон кабилар билан биргаликда фаолият юритилди. Совет жосуслик идораларининг маълумотига кўра 1953 йилда Усмон Хўжанинг топшириғи билан Сайид Анвархон (Усмон Хўжа қариндошларидан бири) ва Қоратегинлик муҳожир Мулла Давлатлар Туркистондаги вазиятни билиш учун Помир (Тожикистон) га келиб кетишган. 1954 йилда эса Усмон Хўжа Абдулла Хўжа номи остида ўзи ҳам шахсан Помирда бўлган<sup>60</sup>.

Усмон Хўжа ва маслакдоши Аҳмаджон Пирмуҳаммадлар Япониянинг Қобул (Афғонистон) даги бош элчиси билан музокаралар олиб бориб, Туркистонликлар манфаати учун 400.000 афғон рупияси микдорида моддий ёрдам пули оладилар<sup>61</sup>.

Усмон Хўжанинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги хайрли ишлари совет мафкурасидаги асарларда ғайриилмий нотўғри талқин қилиниб, “инглиз ва Америка айғоқчилиги”, “Япон айғоқчилиги”

---

<sup>59</sup> Ahat.Andican. Ўша китоб; S. 858 – 862.

<sup>60</sup> М. Ойқорали. М. Каримий. Ғ. Аббос. Туркистонни “озод” қилмоқчи бўлганларнинг ҳақиқий башараси. Т: 1969; Б. 11 – 13.

<sup>61</sup> Ўша жойда; Б. 12

топшириғи билан иш кўрган ва ундан мақсад бойлик орттириш деб кўрсатиш анъанага айланганди.

Ҳолбуки, Усмон Хўжа бирор – бир хорижий давлатнинг айғоқчиси бўлмаганлиги, унда сон – саноқсиз мол – мулк ва беқиёс бойлик ҳам бўлмаганлигига тарихнинг ўзи гувоҳдир. Бу ўринда Усмон Хўжа ҳаёт билан видолашуви олдидан ўғли Темур Хўжани ўз ҳузурига чорлаб: “Мен сенга банкда пул қолдираётганим йўқ, баланд қасрлар, ҳосилдор ерлар ҳам қолдираётганим йўқ, сени суяб юрадиган опа – ука ҳам қолдирмадим, фақат ҳамиша ёдингда тутишинг учун Ватан ҳасратини қолдирдим”<sup>62</sup> – деган васиятини эслаш кифоядир.

Усмон Хўжа ўз умрининг сўнгги йилларини Туркиядаги қадимий ва афсонавий шаҳар ўрта асрлардаёқ, “Олтин кўприк” деб ном олган Истанбулда яшади.

У 1968 йилнинг 28 июлида Истанбулда вафот этди. Усмон Хўжага ўзининг 90 йиллик умри давомида ўта чигил ва мураккаб ҳаёт сўқмоқларидан ўтишга тўғри келди. У бир неча бор шум ниятли совет жосусларини доғда қолдирган ва ўз эътиқодида собитқадам бўлган комил инсон эди. Усмон Хўжанинг дафн маросимида хориждаги ўнлаб мамлакатлардан юзлаб миллатдошларимиз иштирок этишди. Ватандошимиз Усмон Хўжа турк миллий байроғи ҳурматига сазовор бўлган инсонлардан биридир. Усмон Хўжанинг абадий макони Истанбулда Султонтёпа (Ускудор) даги ўзбеклар қабристони бўлди. Унинг қабри устида хотира лавҳаси ўрнатилган.

---

<sup>62</sup>Қаранг. Усмон Хўжа ўғли Темур Хўжа. Мен Ватанда эмасман, Ватан менинг ичимда. // Муносабат; 1990; 3 октябрь; Усмонов И. Руҳим Ўзбекистонда қоладур // Мулоқот 1991, №2Б. 47 – 51. Ҳайитов Ш. Бухоро тарихидан лавҳалар. XIX – XXасрлар // Бухоро – 2007. Б. 30.

### **III Боб. Туркия Республикаси иқтисодий ва маданий ҳаётида ўзбек зиёлиларининг роли.**

#### **III.1. Аҳмад Найим – Туркиядаги биринчи ўзбек иқтисодчи олими.**

Аҳмад Найим Нусратиллобек<sup>63</sup> Бухоро амирлигининг пойтахти Бухоро шаҳридаги Бозоригул кўчасида савдогар оиласида 1900 йилда таваллуд топган. Тарихий манбаларда БХСР талабалари Германияга қараб йўлга чиқишганда, унинг 21 – 22 ёшлардаги йигит бўлганлиги ҳақидаги маълумот ҳам ушбу санага мувофиқ келади. Қолаверса, А. Найим АҚШ даги Колумбия университети профессори Э. Оллворт билан шахсий суҳбатида ҳам ўз таваллуди билан боғлиқ юқоридаги санани қайта – қайта такрорлайди ва оиласи яшаган уй болахонали бўлиб, қабристон орқа томонида эканлигига алоҳида урғу берган. Аҳмад Найимнинг бобоси Мурод Ашурбой карвонбоши бўлиб, илм маскани, айти пайтда халқаро савдо – сотиқ марказларидан ҳам бири бўлган, Бухорода яшаган. А.

---

<sup>63</sup>Унинг номи Нойим. Наим тарзида ҳам ёзилган. Кейинчалик исми шарифидан сўнг Ўктам, Ўқой ҳам қўшилган.

Найимнинг бобоси Мурод Ашурбой ўша пайтда таомилга кўра 3 йил муддатга сайланадиган карвонбошилиқ лавозимини бир неча бор эгаллаган. Карвонбоши лавозимига сайланган шахс савдо – сотиқ ишларини бошқарган, харидор ва савдогар ўртасидаги муносабатларни назорат қилиш ваколатига эга бўлган. Ўзига тўқ тижоратчи оиласида туғилган А. Найим ўзидан олдин Абдулҳамид деган акаси ва яна бир акаси борлигини ҳам ўша суҳбатида қайд қилади<sup>64</sup>. Лекин унинг номини тилга олмайди. Суҳбат 1946 йилда бўлганлигини ҳисобга олсак, бундай ҳолатга эътирозга ўрин йўқ. А. Найимлар оиласи, яъни унинг ўғлонлари асли Карки, туркманларнинг эрсара (эрсаройли) номли уруғидан бўлган. Она томонидан аждодлари туб жой аҳолиларидан бўлиб, шаҳар атрофига яқин ҳудудларнинг ер – мулкларига эга эдилар.

Аҳмад Найим етти ёшига қадар Бухорода яшайди. 1907 йилда онаси вафот этганидан сўнг, амакиси билан бирга Қўқон ва Тошкент орқали Чимкент (Қозоғистон) га кўчишади. Чимкентда оиланинг ер ва мулклари бўлиб, бу ерда ака – ука Ҳалим ва Найимлар амакилари билан бирга қисқа вақт истиқомат қилишган. 1907 йилда тижорат ишларини йўлга қўйиш учун амакиси Истанбул (Туркия) га кўчади. Амакиси билан бирга Истанбулга бориб қолган ака – укалар 1907 – 1914 йилларда ибтидоий (бошланғич) мактабда, лицейда “идади” деб аталадиган ўсмирлар таълим мактабида ўқишган. Унинг амакиси Истанбул орқали Мисрга Бухоро молларини етказиб бериб, савдо – сотиқ қилган. 1914 йилда бошланган биринчи жаҳон уруши натижасида савдо – сотиқ ривожига путур етади. Иқтисодий аҳволи оғирлашишига қарамай ака – укалар амакилари ёрдамида француз тилини ўргатадиган турк муаллимидан сабоқ оладилар. Ҳожи Абдулкаримбой ўғли савдо – сотиқ ишлари билан Истанбулга

---

<sup>64</sup>Ҳалим Ашуров Бухоро жаидчилиқ ҳаракатида фаол қатнашган. БХСР ҳукумати тузилганида зироат нозири муовини (Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари) лавозимида ишлаган. Айрим манбаларда зироат нозири мансабида фаолият олиб боргани ҳам қайд қилинган. У 1931 йилда вафот этган.

борганида, уч бор Макка ва Мадина ҳаж сафарига Туркия орқали ўтиб қайтган йилларда фарзандлари аҳволидан хабар олиб турган Француз тили ўқитувчиси билан муросаси бузилиб қолган. Ҳалим Ашуровни отаси 1914 йилда ўзи билан Бухорога олиб кетади. Кўп ўтмай Аҳмад Найим ҳам Бухорога келади<sup>65</sup>.

Туркистон минтақаси билан Туркия ўртасидаги моддий – маънавий ва маърифий соҳалардаги алоқалар XX аср бошларида қизғин кечаётган эди. Туркия Шарқдаги мазлум халқларнинг озодлик ҳаракати авж олган марказ сифатида юзлаб ёшларни ўзига чорлаганди. Бу мамлакатда Европадаги фан ютуқлари ва илғор ғояларни ўзида жамлаган энциклопедиялар, ҳамда кўпгина китобларни француз тилидан турк тилига таржима қилиш кенг йўлга қўйилганди. Бежиз А. Найим француз тилини иштиёқ билан ўрганишга киришмаган. Кези келганда таъкидлаш ўринли бўлардики, А.Найим француз тилини яхши билган. Фикримиз исботи сифатида унинг XX асрнинг 20-30 йилларида М. Чўқай (1890 – 1941йй) билан биргаликда Парижда яшаганлиги, Франция Германия орасида қатнаб немис шаҳарларида таҳсил олаётган бухоролик талаба ва ўқувчилар ҳолидан хабар олиб турганлигини қайд қилиш мумкин. Германияда таҳсил олаётган ўзбек талабалари ўқиш таътили пайтида дам олиш учун Франция пойтахтида сайёҳатларда бўлишган.

Ш. Турдиевнинг маълумотича Германиядаги собиқ талабалардан Марям Султонмуродова ва Хайринисо Мажидхоновалар 1927 йил ёзги таътил пайтида Франция пойтахти Парижда экскурсияда бўладилар. Парижда улар Аҳмад Найим, Мустафо Чўқаевлар билан учрашиб мулоқотда бўладилар. Аҳмад Найим Германиядан Парижга борган талаба қизларга яшаш учун ижарага уй топиб беришга ёрдамлашади. Улар

---

<sup>65</sup>Conversation with Ahmad Naim Nusratullahbek F. Young Bukhararan Jadid unter the Amirate Edvard New York / Turkistonda Venilik Hareketleri ve ihtilaller. 1900 – 1924. Osmon Hocha Anisina Incelemelen. Hozirlayan Editadby Timur Kocaogly Sota Haarlem, 2001. 83 – 84.

ижаарада турган уйга 3 – 4 бор ташриф буюриб, ҳолларидан хабар олиб турган<sup>66</sup>. Х. Мажидхонова тегишли идораларда кейинчалик берган кўрсатмасида “Мустафо Чўқаев ва Аҳмад Найим бир неча бор олдимизга келдилар, биз билан бирга юриб .париж шаҳрини кўрсатдилар. Биз ҳам ўз навбатида М. Чўқаев ва Аҳмад Найим хонадонларида бир неча бор бўлдик”<sup>67</sup> – деб маълумот беради.

М. Султонмуродова эса: “Берлинга келганимиздан кейин орадан 3 - 4 ой ўтгач Аҳмад Найим Саид Али Хўжа билан бирга хонамга кириб шу вақтларда Австриянинг Вена шаҳрида яшаб турган Хайринисо Мажидхонованинг адресини сўради”<sup>68</sup> – деб маълумот берган.

1914 йилда Бухорога қайтган А.Найим ёшлигига қарамай, жадиदчилик ҳаракати намоёндаларига яқинлашади.Эҳтимолки, у Истанбулда турганида бу шаҳарда ўқиш учун борган А.Фитрат, Усмонхўжа, Ҳамидхўжа Меҳри, Отахўжа Мазҳар Маҳзун, Бурхон Мазҳум кабилар билан Туркиядаёқ яқин алоқада бўлган. “Бухоро маорифини умумлаштирувчи хайрия жамияти” нинг бир бўлими Истанбулда ҳам очилган бўлиб, 1900 – 1913 йиллар давомида кўп ёшлар у ерда таҳсил олиб қайтганликлари, 1911 йилда 15 та, 1912 йилда 30 та ўқувчи ушбу шаҳарда таҳсил олиш учун юборилганди<sup>69</sup>.

А.Найим 1914 – 1917 йилларда Бухоро амирлигидаги кўпгина сиёсий воқеалар гувоҳи ва иштирокчиси бўлган. Амирликдаги ислоҳотчилик ҳаракати, жадидларнинг илғор сўл қаноти (ислоҳот тарафдорлари) билан ўнг қаноти (консерваторлар) ўртасидаги кураш, Саид Олимхоннинг 1917 йил апрелидаги манифести кабилар А.Найим онгининг шаклланишига

---

<sup>66</sup>Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. Т. Фан: - 1991; 43, 44, 47, 51, 52 б.

<sup>67</sup> Ўша жойда. 52 бет.

<sup>68</sup> Ўша жойда. 43 – 44 бет.

<sup>69</sup> Тоҳир Қахҳор. Хур Туркистон учун. Тошкент. “Чўлпон”. 1994 йил, 29 бет.

жуда катта таъсир кўрсатади. У А.Фитрат, Усмон Хўжа, Абдувоҳид Бурҳон кабилар билан ёш бўлишига қарамай маслакдош бўлиб қолган.

У 1917 йил апрелидаги амир манифестини ёқлаб, Бухоро жадинлари уюштирган, охир оқибатда қонли тўқнашувлар билан тугалланган намоёишда ҳам иштирок қилган А.Найимнинг эслашича, жадинлар “Зинда бош амири Бухоро!” (“Яшасин Бухоро амири”), “Озодлик !”, “Тенглик!”, “Адолат!” шиоралари билан намоёишга чиқишган.

Улар: “Оҳ ота юртимиз жонажон Ватан!

Бўл бугун хурсанд ва қувноқ!”

каби мисраларбилан бошланадиган кўшиқни айтиб амир қароргоҳи Аркка қараб боришган. “Ёш бухороликлар” ҳаракатининг фаол йўлбошчиларидан бири, кейинчалик БХСР Нозирлар кенгашининг нозир, Республика ҳукуматида ташқи ва ҳарбий ишлар нозирлигини ҳам бошқарган Файзулла Хўжаев (1896 – 1938йй) амир фармони эълон қилинган куни: “соат учда ёш бухороликлар фармондан сўнг вужудга келган янги аҳволни муҳокама қилмоқ учунт Аҳмад Найим уйида мажлис ўтказдилар. Шу мажлисда ташкилотнинг кўзга кўринган аъзолари билан бир қаторда ишчи ва солдат депутатлари Самарқанд советининг делегацияси ҳам ҳозир бўлди”<sup>70</sup> – деб ёзганди.

Юқоридаги иқтибосдан шундай хулосага келиш мумкинки Бухоро шаҳридаги Бозоригул кўчасида жойлашган Аҳмад Найимлар хонадони “ёш бухороликлар” тўпланиб келгусидаги режаларни келишиб оладиган марказ ўчоқларидан бири бўлган.

Файзулла Хўжаевнинг ёзишича Амир Олимхон манифестига жавобан “ёш бухороликлар”нинг махсус намоёишини ўтказиш керакми ёки керак эмасми? деган масала муҳокама қилинган. “Ёш бухороликлар”нинг сўл қаноти мажлис ўтказиш тарафдори бўлади. “Намоёиш ўтказиш масаласида Аҳмад Найим уйида ўтказилган мажлисда иккига бўлинганлик ва икки

---

<sup>70</sup> Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. 1 том. Т; Фан: - 1976, 119 – бет.

томоннинг бири қатъий устун бўлиб чиқмаслиги сабабли Самарқанд делегациясига раислик қилувчининг талаби билан Россия элчиси Миллернинг бу масаладаги фикрни билишга қарор қилинди”<sup>71</sup> – деб ёзганди Файзулла Хўжаев.

1918 – 1920 йилларда Истанбул Университетида ўқиб юрган. А.Найим Бухорода амирлик тартиби ағдарилганлиги, Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати тузилганлиги каби воқеалардан хабардор бўлади.

Истанбул Университетида ўқиш билан бирга Аҳмад Найим амакисининг тижорат ишларига ёрдам берган. Биринчи жаҳон урушида Германия томонида туриб ҳарбий ҳаракатларда қатнашган Туркия енгилиб, Кичик Осиёга инглиз, француз, итаъян қўшинлари киритилганди. Усманийлар салтанати қўлидаги бутун ерлар собиқ Антанта иттифоқи мамлакатлари томонидан бўлиб олинган, ҳатто, Туркиянинг ўзи миллий мустақиллигини йўқотиш хавфи остида қолган эди. Ғолиб мамлакатлардан бири Англия эса Эгей денгизи бўйида ўзига тарафдор бўлган “Буюк Греция” давлатини тузиш орқали Туркия мустақиллигини тугатиш режасини илгари сурганди. Версаль шартномасининг бир қисми бўлган, 1920 йил 10 августда имзоланган Севр битимида кўра (Париж яқинидаги шаҳарча) Туркиянинг суверен давлатчилиги тугатилганди. Туркия халқи Мустафо Камол пошо (1881 – 1938 йиллар) бошчилигида истиқлол учун кураш майдонига кирди. 1920 – 1922 йилларда Мустафо Камол пошонинг “Муваққат Анқара ҳукумати” фаолият олиб борган. 1921 йилда Истанбул инглизлар қўлида бўлиб, Афғонистон орқали бу шаҳарга келган туркистонлик муҳожирлар турк қардошларига яширин равишда кўп партия қирол – яроғ юбориб бу ҳукуматга амалий ёрдам кўрсатишган. Туркия ҳукумати номидан Бухоро Халқ Совет Республикасига Анқарадан Ғолиб пошо бошчилигидаги элчилар етиб келган. Анқара ҳукуматининг Бухоро республикасидаги элчихонаси биринчи котиби таниқли турк ёзувчиси

---

<sup>71</sup> Ўша китоб. 112 – бет.

Рушен Ашраф бўлган. Ўз вақтида Бухоро Халқ Совет Республикасидан Анкарага 1922 йил сентябрда грек қўшинларидан Измирни тортиб олиб, мамлакат мустақиллигини сақлаб қолиши муносабати билан қутлаб Махмуд Ражаб ва Махмуд Назар бошчилигидаги элчилар келишган. Улар ўзлари билан олтин дастали қилич ва яна иккита қилич, “Қуръони Карим” нинг нодир нусхаларидан бирини, ҳамда турк солдатлари учун Бухоро тасвири туширилган нишонлар олиб келишган. Олтин дастали қилич ғолиб Мустафо Камол пошого шахсан совға қилинганди. Иккинчи қилич эса Измирга биринчи бўлиб қирган Исмат пошого ҳадя этилган<sup>72</sup>. Турк тарихчиси Меҳмет Саройнинг ёзишича, Бухородан Туркияга элчи бўлиб келган Махмуд Ражаб ва Махмуд Назарлар ҳам 1909 – 1911 йилларда бир қатор бухоролик ёшлар сингари Истанбулда таҳсил олишган. Уларнинг кейинги тақдирлари фожеали якун топиб, совет айғоқчилари томонидан йўқотилган.

Истанбул дорилфунунида ўқиш билан бирга савдо – сотиқ билан шуғулланаётган ушбу шахс инглизлар томонидан таъқиб қилинади. Уларнинг йўриғига юрмаганлиги учун бир марта, ҳатто инглиз божхонасига 10 лира жарима тўлашга ҳам мажбур бўлган. 1922 йилда у Туркияга ташриф буюрган бухороликларнинг вакили (Садриддин исмли киши?) орқали А.Фитратнинг Бухорога таклифини олган. Бухоро Республикаси ҳукумати раҳбарларидан бири бўлган А.Фитрат яқиндан таниган Аҳмад Найимни “Биз сиздек кишиларга муҳтожмиз” - деб Бухорога таклиф қилган. Аҳмад Найим ўқишини тугатмаган бўлсада, бир неча турк вакиллари билан бирга нашриётчилик ишлари учун зарур бўлган типография станоклари ҳамда китоб ва ўқув анжомларини олиб Бухорога томон йўл олади. Ўша даврда тарихий манбаларнинг маълумоти беришича, ёш БХСР ҳукумати ўз иқтисодиёти, маорифи ва маъмурий бошқарувини йўлга қўйишда турк, форс, татар, бошқирд миллати вакиллари

---

<sup>72</sup> Maluriet saray. Milli Mucadele Villarina Buhara Cumhuriyetinin Turkieye Vardimi. Turkistonda Venilik Hareketleri ve ihtilaller. 1900 – 1924. Haarlem/ 2001: 442.

фойдаланган. Италия савдо кемасида Истанбулдан Ботуми портига, ундан Боку (Озарбойжон) га етиб келган Аҳмад Найим Озарбойжондаги Бухоро Республикаси ваколатхонасига боради. Маълумки, 1922 йил охиригача мавжуд бўлиб турган Озарбойжон Республикасига 1921 йил ёзидаёқ Бухоро Республикасидан машҳур матбаачи “Бухоро ахбори” газетасининг биринчи бош муҳаррири Маҳмуд Саид Аҳрорий (1895 – 1931 йиллар) элчи қилиб юборилган эди<sup>73</sup>. Кейинчалик Муҳиддин Маҳсум Бухоро ҳукуматининг Озарбойжондаги ваколатхонасини бошқарган. Аҳмад Найим М. Маҳсум ҳузурида икки ҳафта меҳмон бўлиб турганидан сўнг, Абдурауф Фитратнинг шахсан талаби билан Боку Красноводск Ашхобод Чоржўй йўналиши орқали Бухорога етиб келган.

1922 йилнинг дастлабки ойларида Бухорога келган Аҳмад Найим, А.Фитрат, Ф. Хўжа, Атохўжа, А. Юсуфзода, акаси Ҳалим Ашуров ва кўплаб қариндошлари билан учрашди. У Э.Оллворт билан 1946 йилда қилган суҳбатида ташқи ишлар вазири бўлган А.Фитрат, Аҳмад Найимга: “Сен бизнинг ҳукуматда ҳарбий вазир бўлишинг керак эди” – деган фикрни билдирганлигини айтади. Аҳмад Найим А.Фитратдан ўз қариндошларини кўриш учун Самарқанд, Тошкент, Шарқий Бухорога (ҳозирги Тожикистон Республикаси) бориб келиш учун ижозат сўраган. А.Фитрат Республикадаги мушкул вазиятни унга тушунтириб, Анвар пошо билан омонсиз жанглар давом этаётганлигига алоҳида урғу берган. 1922 йилнинг баҳори ва ёзида Бухоро Республикаси ҳукумати Германия ўқув юртларига талабалар юбориш масаласидаги амалий ҳаракатларни бошлаган эди. Германияга ўқиш учун ёшлар биринчи бор 1922 йил июнь – июль ойларида юборилган. Назаримизда Аҳмад Найим хорижга талаба юбориш мутассадилари бўлган Ф.Хўжаев, А.Фитрат, Қори Йўлдош Пўлатов, Абдувоҳид Бурхоновларга хориждаги ўқиш чала қолганлиги, талабалар билан бирга Германияга олий маълумот олиш учун

---

<sup>73</sup> Саид Аҳрорий. Танланган асарлар. Т. Маънавият: - 2001. (Истиқлол қаҳрамонлари: Тўплаб нашрга тайёрловчи Холида Аҳророва) 3 – б.

юборишларини илтимос қилиб сўрайди. Туркияда икки бор бўлган, Истанбул дорилфунунида таҳсил олган, бир қатор тажриба ва билимга эга бўлган Аҳмад Найимнинг Германияга ўқиш учун талабалар сафида жўнашига улар монъелик қилишмайди. Бухоро Халқ Республикасининг Германияга жўнатилган бир гуруҳ талабалари қаторида Аҳмад Найим ҳам хорижга ўқиш учун кетади. Унинг эслашича, бухоролик ёшлар 15 кишидан иборат бўлиб, сафдошлари орасида Вали Қаюмхон, Аҳмаджон Шукрий, Саттор Жаббор, Сайид Али Анқаровлар ҳам бор эди. Вали Қаюмовнинг ёзишича Бухоро Республикаси ҳукумати томонидан Германияга юборилган ўқувчилар орасида 8 – 10 яшар болалар ҳам бор эди. Улар бошланғич таълимдан олий таълимгача ўқишлари учун 15 – 20 йиллар керак бўлади. Ёш болалар немис oilаларига жойлаштирилган. Аҳмад Найим кабилар эса катта ёшли талабалар эди<sup>74</sup>. Бухоро талабалари Германияга жўнашларидан олдин А.Фитрат етакчилигида Самарқандга боришган. Сўнгра Тошкент орқали Москвага етиб боришади. Ҳатто, Москва кўчаларида Бухоро Республикасининг байроғини кўтариб намоиш ҳам қилишади. Москвада Бухоро ваколатхонаси бошлиғи Атохўжа, ҳукумат аъзоси Абдувоҳид Бурхонов, асли татар, Берлин яқинида жойлашган Винсдорф шаҳарчасидаги мусулмонлар масжиди имом хатиби Олимжон Идрисий кабилар ёшларга раҳнамолик қилиш қилишган. Москвадан Петроградга келган бухоролик бўлажак талабалар немис кемасида Болтиқбўйи орқали Германияга жўнаб кетишган. Шундай қилиб Аҳмад Найимнинг муҳожирлик ҳаётидаги учинчи давр бошланди. Ўшанда у ўз она юртидан бутунлай ажралаётганлиги, Ватан йўллари унинг учун абадул – абад ёпилганлиги, 60 йилдан ортиқ умри муҳожирликда кечишини тасаввур ҳам қилолмаганди. Германияга йўл олаётганида А. Найим барча бухоролик ёшлар сингари хориждан Ватанимга билим ва

---

<sup>74</sup> Вали Қаюмхон. Қийратилган қисматлар (Олмонияда таълим олган Туркистонликлар тақдири). // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил, 24 апрель.

маърифат олиб келаман, халқим, мамлакатим ривожига хизмат қиламан деб ўйлаган эди.

Германиянинг пойтахти Берлинга етиб келган Аҳмад Найим Берлин университетининг нуфузли факультетларидан бири иқтисодиёт факультетига ўқишга киради. Аҳмад Найим бухоролик талабалар ўртасида фаол ва ташкилотчилардан бири бўлган. У Туркистонлик талабаларнинг Берлиндаги жамияти ва “Кўмак” матбуот органида иштирок қилган. Жумладан, 1924 йилнинг 5 июлида Берлиндаги Бухоро маорифи ваколатхонасида Туркистон ва Бухородан Германияга ўқиш учун борган талабаларнинг бирлашган йиғилиши бўлиб ўтади. Мажлисида талабаларнинг моддий шароитини яхшилаш, уларни ғоявий – мафкуравий жиҳатдан уюштириш масаласи муҳокама этилди. Россия ваколатхонаси вакили Фахнер иштирок этган ушбу мажлисида Ваҳобжон Муродов, Саидали Аҳмад Шокирий билан бир қаторда Аҳмад Найим ҳам сўз олиб, ўз фикр – мулоҳазаларини билдирган. Россия вакилидан сўзда эмас амалда талабаларни қўллаб – қувватлашини сўраган.

Аҳмад Найим 1925 – 1930 йилларда талабаларнинг Ўзбекистонга қайтиб бориши хавфлилигини англаб, уларни Туркия Республикасига жойлаштириш чора тadbирларини кўрган. Берлин ва Истанбул орасида қатнаб юрган Аҳмад Найим бухоролик олти талабани Туркия шаҳарларида жойлаштирган<sup>75</sup>. Ўша пайтда Туркиядан бошпанага эга бўлиш ҳам осон эмасди. Агар хорижда яшаб қолган талабалар сони 14 – 15 та атрофида эканлигини ҳисобга олсак 6 кишини ҳаётини сақлаш учун Аҳмад Найим ҳақиқий ўктамлик қилганлигининг гувоҳи бўламиз. Фикримиз исботи сифатида Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг қозоқ миллати вакили Азимбек Беримжон ҳақидаги: “Ўқишни тамомлаганидан кейин Туркияга бормоқчи бўлади, лекин виза ололмади. Тақдири фожеали бўлишини тушуниб,

---

<sup>75</sup> Ш. Ҳайитов. К. Раҳмонов. Бухоронинг хориждаги талабалари. (XX асрнинг 20 - йиллари). Бухоро 2003. 19 б. Иброҳимов А. Тошкентнинг бир япроғи.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993. 28 май.

йиғлай – йиғлай мамлакатига қайтиб кетди. Усмон Қувватов ва Абдусатторлар сингари у ҳам қатл этилди”<sup>76</sup> – деб ёзган хотира парчасини эслашнинг ўзи кифоя. Аҳмад Найимга ушбу хайрли ишлари, қатъияти ва жасорати, таъкидлаш жоизки жонбозлиги учун “Ўктам” номи ҳам берилди. У ҳаётини сақлаб қолган ўзбек миллати вакиллари Туркия Республикасининг олийгоҳларида фан доктори, профессор даражасига кўтарилдилар. Уларнинг илмий тадқиқотлари Туркистон тарихи, маданияти, иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий муаммолари масалаларига қаратилди. Қолаверса собиқ бухоролик талабаларнинг фарзандлари ҳозирги Туркия Республикасининг тарққиётига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Демак, Аҳмад Найим 1922 – 1930 йилларда Париж (Франция), Истанбул (Туркия), Берлин (Германия) шаҳарлари орасида қатнаб юрган. У совет айғокчиларидан муҳожир ўзбекларни асрашдек хайрли ишлар билан шуғулланган. Таъкидлаш жоизки, 1930 йилда Истанбулга кўчиб ўтган, 1927 йилда Истанбулда “Туркистон турк генчлари (ёшлари)” ташкилоти тузилган. Ушбу ташкилот тузилганлигининг уч йиллиги муносабати билан “Бирлик” уйида “Истанбулда Туркистон куни” номли тадбирда ташкилот раҳбари М. Аҳмадбек ва Усмонхўжа Пўлатхўжаевлар билан бирга Аҳмад Найим ҳам нутқ сўзлади. У ўз сўзида: Олмониядаги талабалар тарихини ва унга қарши большевиклар тутган сиёсатларни бирма – бир санаб ниҳоят дедеки: “Туркистон миллий истиқлолини олмагунча болаларини ўз пули ила тарбия қила олмас. Ўз мустақиллигини олатурғон куни кўп узоқ эмас! Яшасун миллатпарвар ёшлар! ” каби фикрларни билдирган.

Аҳмад Найимда Ўзбекистоннинг миллий истиқлолга эришувига ишонч кучли бўлган. Умуман, Аҳмад Найим сингари минг – минглаб муҳожир ўзбеклар юртимиз истиқлолини истаб, нафақат орзу – умид билан яшадилар, балки ушбу қутлуғ йилда ўз ҳиссаларини қўшиш учун амалий

---

<sup>76</sup> Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Т. “Адолат” 1997 йил, 255 – бет.

ҳаракатларга киришишга тайёр эдилар. XX асрнинг 30 йилларида Аҳмад Найим Туркияга кўчиб ўтди. Мустафо Камол Отатурк Туркияда юритган миллий сиёсат заминида турк миллати бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган мақсад ётарди. Шунинг учун 1935 й илдан бошлаб барча Туркия Республикаси фуқароларига миллатидан қатъий назар туркча фамилия олиш тартиби қонуни жорий қилинган. Аҳмад Найим ҳам шундан кейин ўзига Ўқой (Ўқтой) фамилиясини танлайди. “Ўқой” ўқ ва ой кўшилиувидан иборат номдир. Муҳожир ўзбеклардан З. Бобоқурбон “Аҳмад Найим Берлинда ўқиган бухороликлардан биринчи иқтисодчи олим эди” деб маълумот беради. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Аҳмад Найим Усмонхўжа сингари турли мамлакатларда яшашга мажбур бўлади.

1950 – 1960 йилларда Туркия Республикасида юзлаб ўзбек муҳожир зиёлилари истиқомат қилар эди. Улар ушбу мамлакатдан туриб Туркистон маданияти ва тарихини тарғиб қилишарди. Тарихий манбаларда 1950 йилларда Туркияда фаол бўлган ўзбек зиёли олимларидан профессорлар: Саид Али Анқара, Иброҳим Ёрқин, Абдужаббор Ҳулагу, адабиётшунос Иброҳим Матлу, педагог Ҳамид Ўктам, доктор Солиҳ Эркинқўл, доктор Абдулвосеъ Мирзатош, Таваккал Бобур каби ўнлаб шахслар билан бир қаторда иқтисодчи олим, жамоатчи ва ташкилотчи сифатида Аҳмад Найим номи қайд қилинади<sup>77</sup>.

1981 йилда ўзбек ёзувчиси Ҳамид Гулом бошчилигидаги ўзбекларнинг бир гуруҳи Туркияда бўлиб, Истанбул шаҳрида ўнлаб ўзбек муҳожирлар билан учрашишади. Ўша йилнинг 5 октябридаги учрашувга С.Сайхон, Ш.Шоҳмурод, К. Озолтой кабилар билан бирга Аҳмад Найим ҳам ташриф буюрган. Хужжатларда А. Найим ҳақида: “У 1920 йилларда Бухоро Республикаси томонидан Германияга бир гуруҳ ёшлар қаторида

---

<sup>77</sup>Ирисов А. Ватан меҳри (хорижлик ватандошимиз Жўра Қори билан суҳбат) //

ўқишга юборилган. Маълумот олганидан сўнг Ватанга қайтмаган. У иқтисод фанлари доктори, профессор, Истанбул университетида талабаларга таҳсил берган. Ҳозир А.Найим нафақада, 81 ёшда бўлишига карамай, “Муҳожирлар жамияти фахрий раисидир” деб маълумот берилади. Ҳамид Ғуломнинг ватан соғинчи билан йўғрилган “Келсангиз” номли шеърини тинглаб А. Найимнинг кўзларида Ватан соғинчи ёшлари пайдо бўлган. У шоирнинг “кексайиб қолибсиз Ўзбекистонга қайтмайсизми, мактуб ёзиб кечирим сўрасангиз сизни қабул қилишарди” – деган фикрига сукут билан жавоб берган. Юрт озодлиги ва истиқлолини истаган, шу йўлда курашган бир ўзбек фарзанди учун мустабид тузум ҳукм сурган Ўзбекистонга қайта олмаслиги табиий ҳол эди. Афсуски, истиқлол ва озодликка эришган юртимизни кўриш унга насиб этмади. 1981 йилдаги ўзаро учрашув ва мулоқотда Аҳмад Найимга Ҳамид Ғулом “Лолалар ороли” китобини совға қилган. Аҳмад Найим ушбу китобни албатта ўқиб чиқишини айтиб ёзувчига миннатдорчилик билдирган.

Аҳмад Найим қизининг маълумотича, у 1984 йил 21 апрелда Истанбулда вафот этган. Аҳмад Найимнинг жасади Истанбулнинг Анатолиан қисмидаги Карасааҳмед қабристонида дафн этилган.

### **III. 2. Собир Сайхонли – Туркиядаги ўзбек зиёлиси.**

1920 – 1930 йилларда совет ҳокимияти томонидан юритилган туб, кескин бурилишга молик ижтимоий – иқтисодий тадбирлар туфайли Туркистон минтақасида аҳоли кенг табақаларининг норозилик кайфияти кучайди. Жамият аъзолари орасида совет ҳокимиятининг барча талабларига бўйсуниб, камситиш ва ҳар қандай хўрлашларга чидаб Ватанда яшаб қолиш, норозиликларни ифодаладиган ҳарбий – сиёсий жараёнларда иштирок этиб, ўз ҳаётини гаровга тикиш, ёхуд ота – боболардан мерос бўлиб қолган Ўзбекистондан хорижга, муҳожирликка кетишдан иборат уч йўлдан бири турарди. 1920 – 1930 йилларда муҳожирликнинг катта тўлқини бўлиб, ўша даврда минг – минглаб

Ўзбеклар кўзда ёш, юракда чексиз алам ва армон билан аجدодлар юртини тарк этгандилар. Улар орасида эндигина дунёга келган, таваллуд топганига 2 – 3 ой ҳам тўлмаган норасида гўдаклар ҳам бор эди. Шундай шахслардан бири Собир Холмуҳаммад ўғли бўлиб, у 38 кунлик чақалоқлик пайтида ҳозирги Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Варзан қишлоғидан ота-боболари ҳижрати туфайли она юртдан олиб чиқиб кетилганди. Собиржон мурғак (бувак) гўдак бўлганида волидаи муҳтарамаси бағрида қишлоқдошлари билан 11 кеча – кундуз йўл босиб, Амударё қирғоғига етиб келади. 1931 йилда (Собир Сайхонли шу йилда туғилган) “ “туркман йўл кўрсатувчилари” ёрдамида катта йўқотишлар билан унинг оила аъзолари Амударёдан кечиб, Афғонистон давлати музофотларига ўтишган. Собиржоннинг отаси Холмуҳаммадхўжа Асомиддинхўжа ўғли Тошлоқда мингбоши лавозимида ишлаган, кейинчалик Шермуҳаммадбек Қўшоқбой ўғлининг Қизил армияга қарши курашларида, миллий озодлик ҳаракатларида қатнашганди. Шунинг учун Собирлар хонадонининг Ўзбекистонда яшаб қолиши мумкин эмасди. Афғонистон ҳудудига ўтган оила: Хомёб, Боғлон, Мозори Шариф, Хонобод, Акча, Қобулда яшаб тирикчилик илинжида деҳқончилик, дўкандорлик, косибчилик каби турли – туман касблар билан шуғулланган<sup>78</sup>. Машаққатли меҳнат билан оила ўзини тиклашга, ҳаётда яшаб кетишга муваффақ бўлди. Собирнинг бобоси Эшон ота ва отаси Холмуҳаммадлар диний ва дунёвий илмлардан яхшигина хабардор бўлган инсонлар эди. Улар ўз фарзандларини ақлли, одобли қилиб тарбиялашга, ўзбек тилини ўрганишга, асл ватанлари Ўзбекистонга меҳр – муҳаббат руҳида тарбияланишларига алоҳида эътибор қаратишди. Собиржон отасининг ҳикояларидан она юрти Ўзбекистон, Фарғона водийси ҳақида хабар топди, ғойибдан аجدодлар заминига меҳр –муҳаббати тушиб қолди. Собирнинг отаси Холмуҳаммад Хокий таҳаллуси билан шеърлар ҳам ёзганди. Унинг шеърлари 1977 йилда

---

<sup>78</sup>Собир Сайхон. Адашганлар. – Т: Чўлпон; 1996. – Б . 65 – 67 .

Ўзбекистонда чоп этилган. “Сенинг шаънингга ўлкам!”, тўпламига киритилган<sup>79</sup>. Собир ака ҳам бадиий ижодга қизиқиб, ҳаваскор ёзувчи бўлиб етишди. У ўзига Сирдарё номидан келиб чиқиб, “Сайхонли” деган тахаллус олди.

Собир Холмуҳаммад ўғлилар хонадони Афғонистоннинг турли шаҳарларида истиқомат қилар экан, иккинчи жаҳон уруши йилларида Афғонистон давлати бетарафлик сиёсатини юритган бўлсада, бу мамлакатда кўп сонли ўзбек (туркистонлик) муҳожирларнинг истиқомат қилаётганлиги, Бухоро амирлигининг сўнгги амири Сайид Олимхон ва унинг тарафдорлари Қобулдан паноҳ топганлиги каби омиллар туфайли Германия разведкаси эътиборидан четда бўлиши мумкин эмас эди. Германия – СССР ҳарбий тўқнашувида Туркистон озодлиги мақсадини кўзлаган ўзбек муҳожирлари Қобулда “Фаол” ташкилотини тузганди. 1943 йилда Германия тор – мор этилиши аниқ бўлиб қолганидан сўнг Афғонистон полицияси бу яширин ташкилот аъзоларини ҳибсга олди. Жумладан, Собир Сайхонлининг отаси Холмуҳаммад Эшон ҳам Қобулдаги Демаза ҳибсхонасида кишанбанд қилинди. Бир неча йил ҳибсда сақланган шоирнинг бобоси ва отаси жисмоний, маънавий – психологик жиҳатдан азобларга дучор қилиндилар. Собир Сайхонлининг бобоси ҳибсхонада вафот этди<sup>80</sup>.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Туркия Республикаси ҳукумати даъвати ва яратилган имкониятдан фойдаланиб, Собирлар хонадони иккинчи бор ўз Ватанларини алмаштиришга ўтдилар. Собир Сайхонлилар оиласи 1952 йилда Афғонистондан Туркия Республикасига кўчиб ўтди. Туркия Республикасининг Адана, Истанбул, Измет, Измир, Кўня, Сивас, Эрзурум, Ҳатай, Шанлиурфа, Ғозиантин шаҳарларида кўп сонли ўзбек жамоалари истиқомат қилар эдилар. Собирлар оиласи аввал Туркия

---

<sup>79</sup>Қаранг. “Сенинг шаънингга ўлкам!” – Т: 1977 : (араб имлосида) – Б. 25 – 27.

<sup>80</sup>Собир Сайхонли. Ўша асар. – Б. 83.

пойтахти Аданада яшади, кейин эса 1964 йилда Истанбулга кўчиб ўтди. Собир Сайхонли тижорат билан шуғуллана бошлади. Собир Сайхонли тижорат ишлари билан машғул бўлибгина қолмай, 1953 йилдан бошлаб даврий матбуотда ўз шеърларини эълон қилди. Собир Сайхонли шеърларининг мавзуси ватанпарварлик, она юртга талпиниш, соғинч ва Ўзбекистонга чексиз меҳр – муҳаббат туйғулари билан суғорилган. У ватан (Ўзбекистон) фироғида ўртанган, она юртнинг бир кафт тупроғи насиб қилмаган аждодлари ҳаётини бадий талқин қилган. Шоирнинг “Хайр энди” шеъридан:

Киндиклар қони тўкилган аждод ёдгори ватансан,

Турна мисоли учиб келолмай қолсам, хайр энди.

Боғу чаманзоринг, тоғу ҳаволарингни сайр айлаб

Сайхуну Жайхунинг кечолмай қолсам, хайр энди<sup>81</sup> - каби мисраларни ўқиймиз.

Собир Сайхонли Ўзбекистонда 1958 йилда иш бошлаган Ўзбекистон чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти (УЗОДИС) ва унинг “Ватандошлар билан алоқа боғлаш бўлими” (1961 йил) орқали ота – боболари юрти билан алоқалар боғлашга уриниб кўрди. У бир неча бор ушбу уюшмаларга мактублар билан мурожаат қилди. Унинг мақсади Ватан (Ўзбекистон) да қолиб кетган қавм – қариндошларини қидириб топиш, улар билан мактубий алоқалар ўрнатиш каби мақсадларни кўзлаган эди. Бироқ, бу уринишлар совет мустабид тузуми йилларида анча вақт самара бермади. 1970 йиллар охирида ниҳоят унинг орзу – истаклари учун йўл очилди.

Собир Сайхонли 1970 – 1980 йилларда Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрди. Фарғонадаги қавм – қариндошлари билан юз кўришган отахон аждодлар ва ўз киндик қони тўкилган заминни кўриш бахтига муяссар бўлди. Собир ака 1981 йилда Туркияга ташриф буюрган

---

<sup>81</sup>Қаранг. Ўзбекистон адабиёти ва санъати; 1992 йил 15 апрель.

Ўзбекистонлик ёзувчи Ҳамид Ғулом билан шахсий мулоқотда бўлиб, ўз ижодий фаолияти ҳақида фикрлашган<sup>82</sup>.

Собир Сайхонли Ўзбекистон миллий мустақиллигини беҳад хурсандчилик ва кўзда қувонч ёшлари билан кутиб олди. 60 ёшга тўлган Собир Сайхонли Истанбул шаҳридаги Боязид майдонида жойлашган дўконларида ҳамшаҳарларга (Туркияда ўзбеклар бир – бирларига шундай мурожаат қилишади) зиёфат ташкил қилди. Ушбу шаҳар майдонида жойлашган 700 та дўкондан 3 таси Собир Сайхонга тегишли бўлиб, уларни топиш қийин эмас. Бу дўконлар пештоқида Ўзбекистон Республикаси миллий байроғи ҳилпираб турибди. Собир Сайхонли 1991 йилдан сўнг Ўзбекистонга деярли ҳар йили сафар қилиб туради. У билан қилинган шахсий суҳбатларда: “Ватан (Ўзбекитон) соғ бўлса бас!” деган фикрни бот – бот такрорлаб туришига гувоҳ бўлгандик.

Собир Сайхонлининг насрий асарлари талайгина бўлиб, уларнинг асосий мавзуси “Муҳожирлик тарихи” ва “Ватан соғинчи” дан иборат. 1922 йилда адибнинг “Тижорат ёхуд бир ошам ҳалол луқма” (“Тижорат ва ҳалол ош”) маърифий – тарбиявий рисоласи, 1996 йилда “Адашганлар” қиссаси, 2006 йили “Ватан қидирган йигит”, 2009 йили “Буғдой экиб арпа ўрганлар”, 2010 йилда эса “Эгасини ғажиган ит” каби қиссалари Ўзбекистонда нашр этилди. У кишининг асарлари асосида “Ватан ягонадир”, “Бир сиқим тупроқ”, “Бировнинг қариндоши” каби телевизион фильмлар яратилган.

1995 – 1996 йилларда Ўзбекистон кино ижодкорлари Собир Сайхонли сценарийси асосида “Силсила” номли тарихий – бадиий фильмни суратга олдилар<sup>83</sup>. Адибнинг шеърлари ўз вақтида Ўзбекистонда фаолият юритган “Ватан” жамияти (1976 – 1992 йй) томонидан тўпланиб, муҳожир ўзбеклар ижодини жамлаган шеърый тўпламга киритилганди.

---

<sup>82</sup>Ўз РМДА, Р – 2822 – фонд, 1 – рхйхат, 71 – хужжат; 20 - варақ

<sup>83</sup>Интернетмаълумотлари [hit:// kilobit. com](http://kilobit.com)

Собир Сайхонли таржимонликда ҳам ўз омадини синаб кўрган шахслардан бири сифатида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” китобини ўзбек тилидан турк тилига ўгириб, Туркиялик китобхонларга совға қилганди. Собир Сайхонли: “Мен бу китобни китобхонлар ўқиши учун таржима қилдим. Чунки 1970 – 1980 йилларда совет нашрларида босилган китобларнинг барчасини бўҳтондан иборат деб, ўқишмасди”<sup>84</sup> – мазмунида фикр билдирган, суҳбатлардан бирида. Собир Сайхонлига “коммунистлар айғоқчиси” каби ноўрин айблар қўйилган пайтлар ҳам бўлди. Бироқ, бу нуроний отахоннинг Ватан (Ўзбекистон) га бўлган меҳр – муҳаббати чексизлиги олдида бу бўҳтонлар асоссиз бўлиб чиқди. Салкам 85 йиллик умр карвонидан ўтаётган Собир Сайхонли Ватан меҳрини ўз фарзандлари ва неваралари қалбига сингдира олди. У доимо “Жон кетур, ватан қолур” деган нақлга амал қилиб келди. Бугунги авлод ўз ватанида бахтли яшаётганлигидан доимо розилик ва она юрт олдида қарздорлик ҳисларини унутмаслиги керак.

### **III. 3. Аҳмаджон Иброҳим Ўқой – ўзбек маъданшунос олими.**

1922 – 1923 йилларда БХСР, ХХСР ва Туркистон АССР ҳукуматлари истиқболни ўйлаб маҳаллий миллатларнинг вакиллари орасидан иқтидорли

ёшларни танлаб, Германия, Туркия, Япония каби мамлакатларга ўқиш учун юборишган. Бироқ, совет ҳукумати 1924 йилдан бошлаб юқоридаги республикаларни тугатиб, улар томонидан ўқишга юборилганларни ортга қайтариш ва охир – оқибатда собиқ талабаларни “Ватан хоини” сифатида маҳв этиш сиёсатини юритди. Ўзбекистонга қайтмай хориж мамлакати Германияда қолиб кетган 14 – 16 нафар Ўзбекистон талабалари немислар юртидаги олийгоҳларни битириб, Туркия Республикасига кўчиб ўтдилар.

---

<sup>84</sup> ЎЗРМДА; 2822 – фонд, 1 – рўйхат, 71 – ҳужжат, 20 – 21 варақлар.

1926 – 1930 йилларда Германиядан Туркия Республикасига кўчиб ўтган ўзбек зиёлилари ушбу мамлакатнинг бир қатор олийгоҳларида илмий – педагогик фаолият юритиб, фаннинг турли соҳаларида йирик муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Фан докторлари, профессорлар даражасига эришган Саидали Анкара, Иброҳим, А. Ёркин, Тоҳир Чигатой, Мажид Ўқой, Саида Ўқой, Аҳмаджон Иброҳим Ўқой кабилар Туркиянинг Истанбулнинг Истанбул ва Анкара Университетларида физика, менерология, қишлоқ хўжалиги, тил, тарих, социология, география каби фанлардан талабаларга сабоқ бердилар, ўнлаб илмий асарлар яратдилар<sup>85</sup>. Улар учун тадқиқот объекти ота – боболар юрти: “Туркистон масаласи” бўлди, десак хато бўлмайди. Иброҳим Ёркин “Кивиржак” зотидаги кўчқорлар турини яратди. У фалсафа, иқтисод ва социология соҳаларида ҳам асарлар ёзди, ҳамда 1939 – 1948 йилларда Туркия Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлигида ишлади. Тоҳир Чигатой “Қизил империализм” номли етти китобдан иборат “Туркистон библиографияси” ни тузди. Мажид Ўқой амалий кимё соҳасида бир қатор кашфиётлар қилиб, ўнлаб олий малакали мутахассислар етиштиришдек хайрли ишга ҳисса қўшди. Тоҳир Чигатой 1931 йилдаёқ “Туркистоннинг ер ости бойликлари” номли китобини чоп эттирганди<sup>86</sup>.

Юқоридаги маълумотларни келтиришдан мақсад, Германиядан Туркияга бориб бир умр яшаб қолган собиқ талабалардан бири Аҳмаджон Иброҳим Ўқой ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтишдир. Аҳмаджон Иброҳим ўғли 1900 йилнинг 10 октябрида Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент

---

<sup>85</sup>Хайитов Ш. Собиров Н. Легай А. Хориждаги ўзбеклар. Т. Фан: 1992, Б. 94, “Ватандош” радиостанцияси жорий архиви, 1984, 15 апрель, 1 папка, Б. 3.

<sup>86</sup>Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар....Т. Фан, 1991, Б. 62 – 68. Шу муаллиф. Олмониялик Туркистонлик талабалар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 16 апрель; 1993, 28 май. Шу муаллиф. Туркистон ташқарисидаги турклар библиографияси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 7 август. Шу муаллиф Узбекистанские “невозвращенцы”. // Звезда Востока, 1993, № 7.

шаҳрида таваллуд топди. Унинг отаси кончилик фабрикасига эга бўлган тижоратчи Иброҳим Ҳожи Каримбоев бўлиб, онаси хунарманд оиласидан чиққан Исматуллоҳ қизи Сифатхонимдир. У илк ва ўрта маълумотни Тошкентда олди. Германия сафарига қадар Аҳмаджон Иброҳим 1907 – 1910 йилларда бошланғич мактабда, 1910 – 1911 йилларда мадрасада, 1911 – 1914 йилларда рус – тузем мактабида ҳам ўқиган. 1922 йилда эса бир гуруҳ ёшлар билан олий маълумот олиш учун Берлин (Германия) га юборилган эди. Бу ҳақда Аҳмаджон Иброҳим ўз кўли билан 1941 йилда ёзган “Таржимаи ҳол” ида: “Туркистондан Германияга 74 талаба ўқишга юборилди. Германияга юборилган талабаларнинг 56 таси Бухоро жумҳуриятидан, 2 та талаба Хива жумҳуриятидан эди”<sup>87</sup> – деб ёзган эди. Туркистонлик талабалар қаторида Германия пойтахти Берлинга юксак орзу – умидлар билан етиб келган Аҳмаджон Иброҳим, немис тилини иштиёқ билан ўрганади. У кўп ўтмай Германия Олий техника мактабининг 1 курсига ўқиш учун қабул қилинди. 1926 йилда Аҳмаджон Иброҳим билан бирга Берлин Олий техника мактабида Саидали Усманий, Абзал Абдусаид, Билол Фатҳулла, Султон Матқул, Тўлаган Мўмин, Атаулла Садриддин, Собир Иброҳим каби ватандошларимиз таҳсил олишганди<sup>88</sup>. Техника дорилфунунининг маъданчилик бўлимида аъло баҳоларда таҳсил олган Аҳмаджон Иброҳим 1930 йилда ўқишни тугаллайди.

1923 йилда Берлинда “Туркистон талабалари уюшмаси” (кейинчалик “Ўрта Осиё талабалари иттифоқи”) тузилиб, унинг аъзолари “Кўмак” номли журнални чоп эттирдилар. Ушбу журналнинг 1 – сониди Аҳмаджон Иброҳим “Техника ва биз” номли мақола билан чиқиб: “Туркистон каби маъдан ва ўсимликларга бой ўлканинг оғир аҳволи, унда ҳамон замонавий завод ва фабрикаларнинг камлиги, уларни бошқарувчи олий малакали

---

<sup>87</sup>Иброҳимов А. Тошкентнинг бир япроғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 28 май.

<sup>88</sup>Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар....Т. Фан. 1991, Б. 14.

миллий кадрларнинг етишмаслигидир”<sup>89</sup> – каби ўз даври учун ҳақли фикрларни баён қилганди.

1933 йилда Аҳмаджон Иброҳим геология соҳасида олиб борган илмий изланишларининг натижаси ўлароқ, докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. 1934 йилда у Туркия Республикасига кўчиб ўтади ва ўзига “Ўқой” деган туркча фамилия олади. Чунки ўша пайтда Туркия ҳукумати ушбу мамлакатда доимий яшаб қолган, турк фуқаролигини қабул қилган бошқа миллат вакиллариининг барчасига туркча фамилия олиш билан боғлиқ шарт қўювчи қонунни 1935 йилда қабул қилган эди.

“Ўқой” – бу ўқ ва ёй (ой) қўшилишидан иборат маънони англатган. Аҳмаджон Иброҳим Ўқой Истанбул дорилфунунининг “Фанлар факультети” қошидаги “Геология институти”да Туркияга кўчиб ўтган 1934 – йилдаёқ иш бошлайди. Ушбу илм даргоҳида унга самарали меҳнати туфайли аввал доцентлик, кейинчалик профессорлик илмий унвонлари берилади. Аҳмаджон Иброҳим ушбу даргоҳда талабаларга минералогия, петрография, кўмир петрографияси, умумий геология ва маъдан конлари мутахассисликлари бўйича маърузалар ўқиди, амалий машғулотлар ўтди. Узоқ йиллар давомида у тарбиялаб етиштирган маъданшунос олим, малакали мутахассислар ва илмий ходимлар Туркия Республикаси тоғ – кон саноати ривожига беқиёс ҳисса қўшдилар. Аҳмаджон Иброҳим Ўқой ўзбек тилидан ташқари араб, форс – тожик, рус, олмон, турк ва инглиз тилларини ҳам пухта биларди. У ўзининг геология ва маъданшуносликка бағишланган дарслик ва ўқув қўлланмаларини, ўнлаб илмий мақолаларини турк ҳамда олмон тилларида ёзди. У туркология ва сиёсатшунослик билан ҳам шуғулланиб, Анвар пошо ва Амир Темурга атаб китоблар ёзган. Бироқ ушбу нашрлар билан биз ҳанузгача таниш эмасмиз.

Аҳмаджон Иброҳим Ўқой 1991 йилда вафот этди ва Истанбулдаги Аранкўй қабристонида дафн этилди. Унинг қабри устига хотира лавҳа

---

<sup>89</sup>Турдиев Ш. Олмонияда Туркистонлик талабалар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 16 апрель.

тоши ўрнатилган. Биз тадқиқотимизда Аҳмаджон Иброҳим Ўқойнинг оилавий ҳаёти ва оиласи ҳақида ҳам маълумот бериб ўтиш лозим деб ҳисобладик. Аҳмаджон Иброҳим Ўқой ўз ҳаёти давомида икки бор уйланган. Унинг биринчи рафиқаси Шарлотта Сталтер исм – шарифли аслзода немис аёли бўлиб, у билан 1934 – 1939 йилларда яшаган. Шарлотта Сталтер Ўқой оғир касалликдан вафот этгач, Аҳмаджон Иброҳим 1949 йилда, яъни 10 йилдан сўнг турк миллати вакиласи Невин Ирдем (Невин Ўқой – файласуф) билан турмуш куради. Улардан уч ўғил дунёга келиб, Ўрол 1953 йилда, Тўғрул 1954 йилда, кенжа фарзандлари Ўғуз 1955 йилда туғилишган. Тўғрул шифокор, Ўғуз кимё муҳандиси касбини эгаллаган ва ушбу соҳада самарали иш олиб бораёпти.

Аҳмаджон Иброҳимнинг тўнгич ўғли Ўрол Ўқой отаси изидан бориб Лондон (Буюк Британия) дорилфунунида маъданшунослик бўйича илм олди. У Англиянинг Кембриж дорилфунунида маъданшунослик фанлари бўйича илмий даража олган. 1980 йилда Туркияга қайтган Ўрол, Анкарадаги маъданшунослик – қидирув идорасида ишлаган. Бугунги кунда у Истанбул техника дорилфунунининг маъданшунослик муҳандислиги кафедрасида ассосиёт – профессор лавозимида ишляпти. Ўрол Ўқой отаси Аҳмаджон Иброҳим Ўқой сингари маъданшунослик соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораёпти ва илм толибларига ушбу соҳадан таҳсил бераяпти.

Биз ушбу диссертацияда Туркияда бир умр яшаган, ҳаётини маъданшунослик илми ривожига бахшида қилган биргина миллатдошимиз Аҳмаджон Иброҳим Ўқой ҳақида мухтасар ҳикоя қилдик. Ҳолбуки, Аҳмаджон Иброҳим сингариларнинг ҳаёт йўли ва фаолият тарихи алоҳида китобот қилинишига арзигуликдир. Маъданшунос олимнинг асарларини ўрганиб, улар орқали тегишли хулосалар чиқариш вазифасини бажариш эса истиқболдаги тадқиқотлар зиммасида.

## **Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати**

- I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.  
Каримов асарлари ва нутқлари**

- I.1. Каримов И.А. Ёш ватандошларнинг халқаро анжумани катнашчиларига // Туркистон, 1992, 3 ноябрь.
- I.2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 687 бет.
- I.3. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 32 бет.
- I.4. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 445 б.
- I.5. Каримов И. А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашарди. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 626 б.
- I.6. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
- I.7. Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлан-тириш концепцияси. – Тошкент. Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
- I.8. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
- I.9. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2014 йил ижтимоий – иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2015 йил иқтисодий вазифаларига бағишланган йиғилишдаги нутқи // Халқ сўзи, 2015 йил, 17 январь.

## **II. Тарихий ҳужжатлар**

- II.1. Чет эллардаги Ватандошлар билан маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон “Ватан” жамияти низоми. – Тошкент, 1983. – 7 б.

II.2. Приказ Ставен Верховного главного командования Красной Армии. № 270. 16 августа 1941 года. (без публикации) // Военный исторический журнал, 1988. - № 9. – С. 26 – 28.

II.3. Ўзбекистон ССРнинг “Давлат тили тўғрисида” ги Қонуни. – Т. Ўзбекистон, 1989. – 16 б.

II.4. Ўзбекистон Президентининг мусулмонларни ҳаж сафарига юбориш тўғрисидаги фармони. (1990; 2 – июнда чиқарилган) // Халқ сўзи, 1990 йил, 4июнь.

II.5. Ўзбекистоннинг “Мустақиллик Декларацияси” (Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июндаги иккинчи сессиясида қабул қилинган) // Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1990. - № 7. – 11 б.

II.6. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллик асослари тўғрисидаги қонун (1991 йил 31 августда қабул қилинган) // Халқ сўзи, 1991, 2 – сентябрь.

II.7. Обращение участников первой Ташкентской международной встреча узбеков (туркестанцев) // Правда Востока. 1991, 27 сентябрь.

II.8. Ўзбекларнинг “ЕИ” халқаро уюшмаси низомига шарҳлар // Ватан. 1992, 5 – январь.

II.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рўза ҳайит кунини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида” ги фармони (1992 йил, 27 мартда қабул қилинган) // Халқ сўзи. 1992, 29 – март.

II.10. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида” ги қонуни (1993, 2 - сентябрь) // Халқ сўзи, 5 – сентябрь.

### **III. Асосий адабиётлар**

III.1. Абдурахмонов М. Валидий Тўғон – Туркистон тарихи тадқиқотчиси // Ёшлик. – Тошкент; 2001. - № 1. – Б. 44 – 45.

III.2. Абдулмалик. Раҳмонқулихон тақдири // Ёш ленинчи. 1991,

6 март.

III.3. Азим Суюн. Ажунда сочилиб ётибмиз // Халқ сўзи; 1991,  
25 январь

III.4. Аҳмедов Б. Ўзбеклар // Мулоқот. – Тошкент, 1991. № 1.  
– Б. 53 – 56.

III.5.

III.6. Баҳромов И. Шўроларнинг Туркистондаги сиёсати муҳожир  
ватандошларимиз талқинида // Маҳорат кўзгуси. – Тошкент, 2004. -  
№ 3 – 4. – Б. 34 – 38.

III.7. Брауэр Д. Маккага йўл // Турон тарихи. – Тошкент, 1993, май. –  
Б. 30 – 32.

III.8. Валидий, Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Хотиралар // Шарқ  
юлдузи. – Тошкент; 1993. - № 4 – 5. – Б. 101 – 120; № 6 – 7. – Б. 121  
– 144; № 8 – 9. – Б. 110 – 128.

III.9. Валидий, Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер.  
Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши  
тарихидан хотиралар // Бошқирд тилидан Ш. Тўраев таржимаси. –  
Тошкент: Адолат; 1997. – 208 б.

III.10. Германов В. А. Историки Туркистана в условиях  
политического террора 20 – 30 - Ташкент

III.11. Жўраев Ғ. Чинникоса синиғи (Ватанпарварлик ҳақида мунгли  
сўз) // Халқ сўзи, 1991, 5 февраль.

III.12. Зоҳидий М. Мустафо Камол Отатурк // Фан ва турмуш. –  
Тошкент, 2000. - № 1. – Б. 10 – 12.

III.13. Иброҳимов А. Тошкентнинг бир япроғи // Ўзбекистон  
адабиёти ва санъати. 1993, 28 май.

III.14. Исҳоқов Ф. Национальная политика царизма в Туркистане  
(1867 - 1917 гг) – Ташкент. Фан, 1991. – 201 стр.

III.15. Наимов Н. Эгамназаров А. Амирнинг авлодлари // Шарқ  
юлдузи. – Тошкент, 1992. - № 3. – Б. 167 – 184.

- III.16. Орипова К. Муҳожир тушунчаси // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2003. - № 4. – Б. 52 – 53.
- III.17. Иброҳимов Ёрқин. Хотиралар // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2002. - № 6. – Б. 134 – 145.
- III.18. Собир Сайхон. Адашганлар. – Тошкент: Чўлпон. 1996. – 271 бет.
- III.19. Тохир Қаҳҳор. Туркия – хур турклар учун // Ўзбекистон адабиёти ва санъати; 1991, 1 ноябрь.
- III.20. Тохир Қаҳҳор. Хур Туркистон учун. – Тошкент: Чўлпон; 1994. – 112 бет.
- III.21. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. – Тошкент: Фан, 1991. – 70 бет.
- III.22. Тўра Мирзо. Туркия ва Туркистон йўлларида // Ёшлик. – Тошкент, 1989. - № 7. – Б. 44 – 45.
- III.23. Усмонов И. Соҳилга интилаётган тўлқинлар (Туркиялик Аҳад Андижоний билан суҳбат) // Мулоқот. – Тошкент, 1991. - № 6. – Б. 44 – 47.
- III.24. Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 181 бет.
- III.25. Хўжаев М. Шермуҳаммадбек кўрбоши. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 199 б.
- III.26. Шамсутдинов Р. Усмонхўжа ватан хоини эмасди. // Халқ сўзи. 1991. 15 октябрь.
- III.27. Шамсутдинов Р. Қодиров А. Шермуҳаммадбек ҳаётига чизгилар // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1998. № 2. – Б. 14 – 15. № 3. – Б. 18 – 19.
- III.28. Шаҳобиддин Яссавий. Ёшлар дунёни кўрсинлар. Ёшлик. – Тошкент, 1992. - № 7 – 8. – Б. 33 – 35.

- III.29. Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари (1917 – 1924 йиллар). – Тошкент: ABU MATBUOT KONSALT;2008. – 127 бет.
- III.30.Эргашев Ф. Янги Туркиянинг отаси // Жаҳон адабиёти. Тошкент, 1998. - № 8. – Б. 155 – 159.
- III.31. Қосимов Б. Икки қитъани туташтирувчи мамлакатда // Халқ сўзи. 1993, 15 апрель.
- III.32. Ҳайитов Ш; Собиров Н; Легай А. Хориждаги ўзбеклар. Тошкент: Фан, 1992. – 107 бет.
- III.33. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. (1917 – 1991йй) – Т.ABU MATBUOT KONSALT;2008; 211 бет.
- III.34. Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа Пўлат Хўжаев – миллий истиқлол курашчиси. Бухоро – 2007. – 56 бет.
- III.35 . Ҳайитов Ш. Ражабов Қ. Усмон Хўжа – Т.ABU MATBUOT KONSALT;2011; - 35 бет.

#### **IV. Диссертация ва авторефератлар**

IV.1. Агзамов Г. А. Хориждаги ўзбеклар: ижтимоий – сиёсий ва ҳуқуқий муаммолари. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент; 1995. – 116 бет.

IV.2. Агзамов Г. А. Узбеки за рубежом: Социально – политические и правовые проблемы. Автореферат дисс.... канд..филос.. наук. – Ташкент. – 1996. – 29 стр.

IV.3. Ҳайитов Ш. А. XX аср ўзбек муҳожирлиги тарихи. Тарих фанлари доктори илмий даражасини

IV.4. Ҳайитов Ш. А. История узбекской эмиграции XX века. Автореф.. дисс... доц... ист... наук... Ташкент. – 2009. – 50 стр.

IV.5. Нафиддинова Х. АҚШ даги ўзбеклар тарихи ва этнографияси. Магистрлик диссертацияси. Бухоро. 2014 йил; - 81 бет.

## **V. Хорижда чоп этилган адабиётлар**

V.1. Ahat Andijan. Ceditizmden Bagimsizligiga Turkistan Mucadelesi. Birinci Baski; Istanbul. 2003. – 942 st.

V.2. Husayin Ikram Han. Bir turkistanlinin 2 Dunya savasi hatiralari Bedir, Istanbul. 1999. – 246 st.

V.3. Чағатали Ка'зар. Атагрдан Анайрта Туркистанлilar. – Ancara; 2009. – 198 st.

V.4. Шаҳобиддин Яссавий. Туркистон аччиқ ҳақиқатлари (араб имлосида, эски ўзбек адабий тилида). Истанбул. – 1984. – 199 бет.

## **VI. Интернет маълумотлари**

VI.1. [www. e. tarix. uz](http://www.e.tarix.uz).

VI.2. [www. 12. u2](http://www.12.u2)

VI.3. [http: // www. trt. net.tr /](http://www.trt.net.tr/)

## **Илова**

Германияда Туркистондан 11, Бухородан 47 талаба бордур. Туркистонликлар ичида 7 таси ўзбек, 4 таси қозоқ — қирғиз, бухороликлардан 35 таси ўзбек, 6 таси тотор, 5 таси туркман ва 1 та қозоқ — қирғиз.... Бухоролик талабалар қуйидагича тақсим қилинғонлар: Берлин дорулфунунида 7 та бухоролик талаба ўқиб, 7 таси 7 та факультетда, яъни тиб, фалсафа, иқтисодий — сиёсий, олий ҳунар мактаби электрик, олий қишлоқ хўжалик ва бошқа мактабларда ўқийдурлар. Буларнинг биттаси бу йил Дрезден шаҳрида олий техника мактабининг машиначилик шўъбасига кирадур. Куслин шаҳридаги давлат таълим ва тарбия (педагогика) ўқув юртида, Бранденбург ва Дрезден шаҳарларидаги таълим — тарбия дорулилмада 19 та талаба ўқийдилар. Баденгаузен ва Гольштейн олий қишлоқ хўжалик мактабида 5 киши илм таҳсил қиладур. Фрайбург

(Саксония) даги кўн – тери ишларида 2 та бухоролик, Лейпциг шаҳрида матбаачилик мактабида – 2, Бранденбург дорихона ишлари мактабида – 1. Машина тузилиши корхоналарида амалий тадқиқот ва тажрибада – 6 та киши. Ўрта мактабларда – 6 та киши. Хайделъдорфдаги болалар юртида 1 та бухоролик бор.(Турар Ризкулов. Германияда Ўрта Осиё талабалари. “Озод Бухоро”. 25 – сон. 1923 йил 16 декабрь.)

**Immigrant** (lotincha — ko`chib keluvchi) - bir davlatdan boshqa bir davlatga doimiy yoki uzoq vaqt yashash uchun ko`chib kelgan shaxs.

**Industriya** (lotincha — faoliyat) — sanoat, xususan yirik sanoatni anglatuvchi atama.

**Migratsiya** (lotincha — ko`chaman) — u yoki bu davlat aholisining bir hududdan boshqa hududga yoki bir mamlakatdan ikkinchi mamlakatga ko`chishi.

**Demografik holat** (yunoncha — demos (xalq) grafiya (yozmoq) biror mintaqa, mamlakat va dunyo aholisining holati.

**Urhanizatsiya** (fransuzcha va lotincha — shaharga mansub) — jamiyat hayotida shaharlar rolining va shahar aholisi salmog`ining ortib borishi.

**Emigratsiya** (lotincha — ko`chyapman) — u yoki bu davlatdan aholining turli sabablarga ko`ra boshqa mamlakatga majburan yoki ixtiyoriy ravishda doimiy yoki uzoq muddatga ko`chib ketishi.